Миллий тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1995 йил, 19 декабр | 28- сон

НИЯТ — МАЪНАВИЯТ — СИЁСАТ

УЧ ҚЎШНИ ДАВЛАТ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ЖАМБУЛДА УЧРАШИБ ЎЗ ХАЛҚЛАРИНИНГ НИЯТЛАРИНИ ИЗҲОР ҚИЛДИЛАР

Ният тушунчаси маънавият тушунчаси билан қанчалар боғлиқлиги хусусида ўйлаб кўрмаган эканман. Маънавиятни маъни ва маъно билан боғлиқ эканлигини англаш унчалар қийин эмас. Инсон сўзи, хатти-ҳаракати тузлик, маънилик бўлса, шу маънавиятнинг асосини ташкил этади деб ҳисоблаймиз. Яъни маънавиятни маъновият, яъни мазмундорлик билан боғлаймиз. Одамзод ахлоқининг маънодорлиги ва демак, мазмундорлиги бу — маънавият деймиз. Балки ростдан ҳам шундайдир. Балки бошқача тушунишлар ҳам йўқ эмасдир.

Яхши, маънавиятни маъно билан боғлайлик. Лекин ниятни маънавият билан қандай боғлаймиз. Улар бир-бирларини чиқиштирадиларми ёки бир-бирларини инкор этадиларми? Ёки бир-бирларига худди ўтмиш кундошлардай муомала қиладиларми? Ёки ўзаро ҳеч бир муносабатлари йўқми?

Ўзимча ўйлайман: ният маънавиятни тўлдирса керак. Ёз навбатида ният маънавиятдан ҳосил бўлса ажабмас. Одамзод ҳар қалай маънавий, кечирасиз, маънавий инсонда ҳеч қачон ёмон ният бўлишини кузатмаган, бинобарин, ёвузлик, зулм, босқинчилик, талонтарож хоҳ бир шахс миқёсида ва хоҳ мамлакат ва хоҳ, халқаро миқёсларда ҳеч қачон маънавиятдан туғилмаган. Балки булар ҳар қачон, ҳар ерда маънисизликдан, бемаъниликдан дунёга келади. Урчийди. Кўпаяди. Инсониятни азоб-уқубатларга солади.

Ниятларнинг гўзаллиги, олижаноблиги сўзларда, уларнинг оҳангларида, хатти-ҳаракатларда кўзга ташланиб туради. Эҳтимол ёмон ният билан ҳеч қачон яхшилик қозониб бўлмагай.

Давлат арбоблари илгариги замонларда ва айниқса, тоталитар жамиятларда халқ, инсоният олдида ўз ниятларини ошкор қилавермас эдилар. Яна ҳам тўғрироғи, уларнинг ошкор ниятларидан ошкор бўлмаган ниятлари кўпроқ эди ҳамиша. Айсбергнинг жиндаккина бўлаги кўтарилиб турарди океан узра. Энди дунё очиқ бўлиб қолди. Одамлар ва халқлар фикр алмашиш, ахборот алмашиш, технологиялар билан ўртоқлашишни хуш кўриб қолдилар. Жуда бўлмаганда, хуфя сирларини компютерларга айтиб қўядиган одат чиқардилар. Одамлар бир-бирларидан биқиниб, қўрқиб, хавфсираб яшагандан кўра яшамаган афзаллигини ва қолаверса, XXI аср бўсағасида бир-бировдан яшириниб яшамоқ, тажовуз билан ёки бош буркаб нон емоқ ўта шармандалик эканлигини тўла англаб етдилар. Миллатлар бир-бирларини афзалликлари билан ўртоқлашгилари келиб қолди. Шундай кунлар келиб етгани инсониятнинг бахти, келажаги. Халқларнинг қалбида етилган шундай очиқликка интилиш орзу-истакларини ҳозирги кунларнинг таниқли давлат раҳбарлари, сиёсат арбоблари, йирик технократлар яхши тушуниб етиб, ўз сиёсатларини шу орзуниятларни рўёбга чиқариш йўлида тузаётганликлари инсоният тарихида янги давр бошланганлигидан дарак беради.

Куни кеча Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларининг раҳбарлари Жамбулда учрашиб ўз мамлакатлари тақдири, истиқболи учун ўта муҳим масалаларни очиқ ва дипломатия тарихи ҳали кўрмаган ўта самимият билан муҳокама қилаётганликларини кўрганда, албатта, кишининг ният тўғрисида ва унинг маънавият билан боғлиқлиги, булар чамбарчас бўлганда сиёсатга қандай таъсир кўрсатиши устида ўйламасдан сира илож йўқ.

Халқимизнинг энг яхши тилакларидан бири — ниятинг — йўлдошинг, деган тилакдир.

Ҳозирги замоннинг энг мураккаб муаммолари, ечилмаган масалалари, чигалликлари, ва балки инсониятга хавф солиб турган ҳодисалар хусусида равшан, содда, халқона ва шу билан бирга замон сиёсатининг бутун салмоғи, залворини ўз жонларида ҳаддан ташқари кучли туйиб сўзлаётган ҳар учала Президентнинг қудрати, ҳаққонияти — уларнинг ниятида, ниятларининг теранлиги ва мукаррамлигида эканлигига ишонч ҳосил қилмай илож йўқ.

Халқ нияти билан чамбарчас бўлиб кетган, халқнинг асрий орзуларини ифодалаган ва баён этган ниятлар худди мана шундай бўлади.

Дўстлик ҳақида, узоқ-яқин мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий муносабатлар тўғрисида, халқларимизнинг умумий келажаги учун муҳим бўлган барча катта-кичик масалалар борасида сўз борар экан, Президентлар юксак ният, юксак маънавият ва юксак сиёсат сиймоси эканликларини тўла тасдиқладилар. Янги давр — янги давр бўлса, фақат шундай фарзандлар, шундай катта ҳарфлар билан ёзиладиган шахслар билангина янги давр деб аталишга ҳақлидир. Ўз халқи учун яхшилик кўзлайдиган ва шундай яхшилик учун жонини аямай ишлайдиган ҳар бир одам уларнинг ҳар бир сўзи, қараши, нуқтаи назарида ўша буюк ҳодиса: ният, маънавият ва сиёсат бирлашиб, бир-биридан ажратиб бўлмайдиган ҳодисага айланганлигини кўрди. Худонинг шундай раҳбарларни яратгани халқларнинг пешонасига саодат нури тушаётганидан яна бир нишонадир.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТДА МАЪНАВИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Давлат ва жамият қурилишининг маънавий асослари» мавзуйида илмий-назарий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманни Академия ректори, профессор Алишер Азизхўжаев олиб борди ва бошданоқ уни давра столи йўсинида ўтказиш таклифини киритди. Давра столи атрофидаги ғоятда қизиқарли суҳбат ва мунозарада Муҳаммаджон Имомназаров, Нажиддин Комилов, Ҳалим Бобоев, Фозила Сулаймонова, Бегали Қосимов, Абдулазиз Мансур, Эркин Аъзам, Ғайбулла Саломов, Абдуқодир Зоҳидов сингари таниқли олим ва уламолар, файласуфлар, этнографлар, Ўзбекистондаги чет эл элчихоналарининг масъул ходимлари, академия тингловчилари, журналистлар қатнашдилар.

Профессор Алишер Азизхўжаев ўз илмий маърузасида демократик жамиятнинг асослари, унда қонунлар ва маънавиятнинг ўрни ҳақида теран мулоҳазаларни ўртага ташлади. Демократия ўз-ўзидан барпо бўлиб қолмайди, деди олим. — Энг аввало, унинг иқтисодий асослари яратилиши, иккинчидан, у миллий қадриятлар заминига қурилиши, учинчидан, тоталитаризм шароитидан чиқаётган халқни демократияга тайёрлаш зарур бўлади. Мустақилликнинг тўрт йили ичида Ўзбекистон истиқлол ва ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини — ўз демократик қонунлар мажмуйини тузди. Бош қонунимиз ва ундан келиб чиқадиган бошқа барча қонунлар тўла-тўкис миллий қадриятларга асосланди. Миллий қадриятларни акс эттиргани учун ҳам халқ қонунларни тўғри тушуняпти ва онгли суратда қабул қиляпти.

— Қонун агар маънавиятга рост ва уйғун келмаса, у ҳеч қачон ишламайди, жамиятда тартиб-интизом яратишга хизмат қилмайди, — деди яна Алишер Азизхўжаев. — Яқин ўтмишимизга назар ташласак, ўзбек халқи тоталитар қонунларни юрақдан ҳис қилмади, улардан таъсирланмади. Шунинг учун ҳам, ўша қонунларнинг ҳаммаси қоғозда қолиб кетди.

Бошқа миллатларга ҳурмат-эътибор билан қараш ўзбек халқининг қадим ва асос миллий қадриятларидандир, деди олим яна, — Ҳамма ҳодисаларга ўз андешали муносабатини шакллантирган халқимиз ўз истиқлолини қўлга киритгандан сўнг ҳам, душман қидириш билан машғул бўлиб ўтирмади. Ўч олишликни хаёлига келтирмади. Ўз ватанида барпо бўлган тинчлик ва эминлик, равнақ сари йўлни қатъий тутди ва қадрлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қасамёдидаги бир жумлага эътиборингизни қаратмоқчиман. Унда Ўзбекистон давлатига садоқат билан хизмат қилиш ҳақида сўз боради. Бу — давлатимизнинг барча фуқароларига ҳам баббаравар тааллуқли қимматли фикрдир. Ҳар биримизнинг мустақил Ўзбекистонга садоқат билан хизмат қилишдан ортиқ вазифамиз, ватанпарварлик бурчимиз йўқ.

Давра столи қатнашчилари шунингдек, маънавият ва ислом, маънавият ва адолат, маънавият ва тоталитар мафкура, маънавият ва миллий қадриятлар сингари ўта жозибали мавзуларда эътиборли фикрларни ўртага ташладилар.

МУҲАРРИР

Самодан ёғилар мукаррам хатлар
Азал қиссаларин ёзади Мавло
Ҳаётда ҳаммадан ниҳоллар аъло
Новвот берур сенга эксанг кўчатлар.

ПАРТИЯВИЙ-ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР

Пойтахт вилоят туманлари ва шаҳарларида Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг конференциялари бўлиб ўтмоқда. Анжуманларда мамлакат Президенти И. А. Каримовнинг Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида сўзлаган нутқидан келиб чиққан вазифалар белгиланиб, галдаги долзарб масалалар кўрилмоқда.

Шаҳар ва туманлар партия Кенгашлари раислари сайландилар, Чўнончи, Янгиобод шаҳрида 7-мактаб ўқитувчиси М. Исҳоқова, Оҳангаронда туман касаба уюшмаси етакчи ходими З. Меликулова, Ангрен шаҳрида — пединститут доценти, кафедра мудири Н. Охунбеков, Оҳангарон шаҳрида — «Мустақиллик» маҳалласи оқсоқоли Қ. Кенжаевлар партия Кенгашлари раислари лавозимига сайландилар. Вилоятнинг Бекобод шаҳар ва туман, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл шаҳар ва туманларида ҳам ташкилий масалалар кўрилди.

Миллий тикланиш демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, профессор К. Норматов шаҳар ва туманлар ташкилий конференцияларида қатнашди.

«МТ» чопари

МУНОСИБ ФАРЗАНДЛАР

ИҚТИДОРЛИЛАР ЛИЦЕЙИДА

Наманган шаҳрида иқтидорли болалар лицей-интернати ташкил топганига 5 йил тўлди. Ўтган вақт ичида ўқув даргоҳини 270 нафар ўқувчи битирди, улардан 260 нафари бугунги кунда олий ўқув юртларида, жумладан, Наманган давлат университетида, саноат-технологияси ва мухандислик-иқтисодиёт институтларида, ТошДУ ва Низомий номидаги олийгоҳда, шунингдек, хорижда таҳсил олишмоқда. Ўнлаб ўқувчилар мамлакатимиз ва ҳамдўстлик мамлакатлари миқёсидаги фан олимпиадаларининг ғолиблари, совриндорлари бўлишди.

Лицейда Ўзбекистон фанлар академиясининг академиги Ёлқин Турақулов, Н. Раҳимов, Ш. Абдуллаев, Б. Рихсиев, К. Ғанихўжаев ва бошқа таниқли олимлар бўлишиб, ўқувчилар билан мароқли суҳбатлар ўтказишди.

«МАДАДКОР» корпорацияси Кенгаши раиси Муҳаммадамин Нормирзаевнинг ташаббуси билан бир гуруҳ аълочи ўқувчиларга стипендия тайинланган. Барча фанлардан аъло натижага эришганлар, олимпиада ғолиблари бу мукофотни ойма-ой олиб турадилар. «ШАМС» фирмаси эса иқтидорли болаларни кийинтиришга ёрдам бермоқда.

Лицейнинг беш йиллик тўйига собиқ битирувчилар, уларнинг ота-оналари, шаҳар ҳокимлигининг вакиллари, ҳомий ташкилот вакиласи, гимназия ва лицей вакиллари келишди. Уларни лицей директори, физика-математика фанлари номзоди М. Раҳматуллаев қизғин қутлади.

Талантли ўқувчилар концерт намойиш этишди.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ

ЭНДИ ЮРТГА БОТИРЛАР КЕРАК

Соғлом авлод учун

Эсингиздами, 70-йилларнинг охирларида каратэ ишқибозлари кўпайиб кетганди. Бундан Шўро ҳукумати ташвишга тушиб, каратэни ғарб пропагандасининг таъсирига йўйди. Ва каратэ машғулотларини олиб бориш қоида билан тақиқлаб қўйилди. Ҳолбуки ўша пайтларда каратэ бўйича жаҳон мусобақалари ўтказилаётган эди. Орадан кўп йиллар ўтиб, собиқ Шўро давлати ҳам каратэнинг чинакам спорт тури эканлигини англаб етди. Бироқ кеч бўлган эди. Иттифоқ миллий давлатларга бўлиниб кетди.

Спорт азалдан чегара билмайди. Ҳар қандай сиёсатдан юқори туради. Ҳозимқўқон шуҳрати бутун Европани ҳайратга солган пайтда, ҳали социализм пойдевори қўйилмаганди. Кореяда туғилган япон Мосутасу Ояма урушдан кейин Япония шуҳратини шу қадар кўтардики, дунё ҳамон бу «қўёш юрти»га ҳавас билан қарамоқда. 1948 йили Ояма тоғлар орасига якка ҳолда яшаш учун жўнаб кетади. У бу ерда бир ўзи машқлар ўтказади. Йиртқич ҳайвонлар билан олишади. У шу қадар чиниқадики, болтасиз қўли билан ўтин ёра бошлайди. Айнан унда кекшункайни яратиш ғояси туғилади. Орадан ўн йил ўтиб, у ўз услубини тарғиб қилишга киришади. Дунё Ояманинг услубларини ҳайрат ва ҳаяжон билан кузата бошлайди. Эндиликда унинг томонидан кашф этилган кекшункай ўйини Ўзбекистон бўйича кенг тарғиб қилинмоқда. Республика миқёсида турли мусобақалар ўтказилмоқда. Айтиш керакки, бу мусобақаларда навоийлик каратэ усталари эришаётган ютуқлар салмоқли бўлмоқда. Бу ерда 1990 йилдан бери Ҳасан Назаров бошчилигида кекшункай каратэ машғулотлари ўтказилиб келинмоқда.

Дастлаб Ҳасан Назаров ҳақида икки оғиз сўз. У 1994 йил ноябр ойида Москва вилояти Жуковский шаҳрида кекшункай каратэ бўйича ўқув услубий турнирида иштирок этди. Аттестация натижаларига кўра Ҳасан Назаровга 6 (сариқ белбоғ) даражасини беришди. Унга бу ҳақдаги сертификатни Ғарбий Россия Ояма кекшункай каратэ до ташкилоти вице президенти, қора белбоғ соҳиби А. Золотовский топширди. 1995 йил феврал ойида Тошкентда бўлган мусобақада Ҳасан Назаров яшил белбоғ учун курашга тушди ва унинг талабларини муваффақиятли адо этди. Ояма Кекшункай каратэ Ўзбекистон федерацияси раиси Мурод Баҳронов, Ғани Рафиқовлар Ҳасан Назаровга жаҳон сертификатини топширдилар.

Бу тиниб-тинчимас йигитнинг ташаббуси билан Навоий шаҳридаги 2-мактабда илк маротаба каратэчилар клуби иш бошлади. Ўшанда унинг аъзоси бор-йўғи уч нафар ўсмирдан иборат эди. Кейинги тўрт йил давомида уларнинг сони 100 кишидан ошиб кетди. Эндиликда клуб «Нурҳас» вилоят марказига айлантирилди. Вилоятларда бўлаётган мусобақаларда ҳамиша совриндорликни бермай келаётган ташкилотни Навоий кон-металлургия комбинати ўз ҳомийлигига олди. Комбинат директори Николай Кучерский спортчиларни маънавий ва моддий рағбатлантириб турибди. Айни пайтда Зарафшон, Учқудуқ, Нуробод, Зафаробод шаҳарларида кекшункай каратэ-до билан шуғулланадиган секциялар иш бошлади.

— Машғулотларимизда асосан 15 ёшда бўлган ўсмирлар кўпроқ қатнашмоқда, — дейди Ҳасан Назаров, — бизнинг ҳам ўз қасамёдимиз бор. Бизда қасамёдга ҳеч қачон хиёнат қилинмайди.

Соғлом авлод учун кураш умумдавлат аҳамиятига молик иш. Энди юртга фидойилар керак.

М. МАРДИЕВ

«БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ...»

Инглиз файласуфи Локк ёзади: «Халқнинг бахт-саодати болаларни тўғри тарбиялашга боғлиқ».

Жўмҳуриятимиз пойтахтида мана шундай эзгу юмуш билан банд ажойиб маскан бор. Уям бўлса, Республика ўқувчилар саройи. Бу сарой ташкил этилганига нақ олтмиш йил бўлди. Бу давр ичида саройда кимлар таълим олмади! Элимизга яхши таниш юртдошларимиздан Фаррух Зокиров, Қаҳрамон Дадаев, Қизлархон Дўстмуҳамедова, Дилафрўз Жаббурова, Қодир Мўминов, ака-ука Исломовлар, Гулчеҳра Жамилова, Офелия Юсупова...

Юбилей муносабати билан киши дилини хушнуд этадиган баъзи рақамлар юзага қалқиб қолди. Қаранг, бозор иқтисоди шароитига ўтаяпмиз, дея сўнгги пайтларда жуда кўп нарсаларни маблаг, фойда нуқтаи назаридан баҳолаяпмиз. Аммо тарбияни пул билан ўлчаб бўлмайди. Яхши тарбиянинг самарасини-ку, инчунин.

Шу жиҳатдан олиб қаралганда, айни кунларда юртимизда олиб борилаётган ишлар эътиборга моликлиги аён бўлиб қолмоқда. Оз эмас, нақ 266 та ўқувчилар уйлари ва саройлари, ёш ижодкорлар марказлари ишлаб турибди. Бунга яна 136 та ёш техниклар, 138 та экологик, 27 та ёш сайёҳлар марказларини қўшинг...

Ўрни келиб қолди, биз анданкина истеҳзо билан «хаёлпараст» (утопист) деб атайдиган яна бир инглиз файласуфининг мулоҳазасини келтириб ўтайлик: «Мунтазам тараққий этадиган, гуллаб,яшнайдиган ва ҳамиша бахт-саодатли жамият бунёдкорлари бўлган шахсларда яхши характерни шакллантирмоқ учун уларнинг ҳар бири болаликдан... қобилиятига қараб... фойдали ишга ўргатилмоғи керак».

Афтидан, улуғ Роберт Оуэн ҳаққа ўхшайди. Чиндан-да дунёни болаларга берсак, уларни камолатли этиб тарбиялай олсак — жамият гуллаб-яшнашининг асоси таъминланган бўлади шекилли...

ЁРУҒ КУНЛАР УЗАЯВЕРСИН

Пайшанба куни Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси иш бошлайди.

Жумҳуриятимиз ҳаётида катта ижтимоий-сиёсий воқеа бўлмиш ушбу анжуманда бир туркум қонунлар қабул қилиниши кўзда тутилмоқда.

Маълумки, Қонун — ҳаётда муносабатларни изга солиб турувчи мустаҳкам устқурма. Шундай экан, ҳуқуқий-демократик жамият қурилаётган юртимизда ҳам қонунларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлиши мақсадга мувофиқ.

Марказий Банк, банклар фаолияти, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, Халқаро шартномалар тўғрисидаги қонунлар ҳамда Меҳнат ва Фуқаролик кодексларининг қабул қилиниши ҳаётимизга янги нафас олиб келади деб умид қиламиз.

Агар тақвимга назар солсак, сессия декабрнинг энг узун туни тугаган кунда якун топажагини кўрамиз. Ундан у ёғига кун узая бошлайди, тун эса қисқаради. Ниятки, ҳаётимизда ҳам, рамзий маънода баъзи иқтисодий қийинчиликларни ифодаловчи тун қисқара борсин, фаровонлик, тўкин-сочинлик, эзгу ниятлар тимсоли бўлмиш кун эса узаяверсин...

ЎЗГАРИШЛАР БЎЛАРМИКИН?..

Замон телевидение ходимлари олдига ҳам ўз талабларини қўймоқда. Бугунги зукко томошабиннинг эътиборини қозониш осон иш эмас. Зеро, у аллақачон барча каналларда намойиш этиладиган «Время»ни кўриш ташвишидан халос бўлиб, бу ёғи Урусия телевидениесини кўради, бу ёқда Туркия, бу ёқда Ҳиндистон... Жуда авжи келса, шартта махсус антенна ўрнатадида, сунъий йўлдош кўмагида Американи томоша қилавераги.

Хуллас, томошабинда танламоқ имконияти бор.

- Ўтган ҳафта Ўзбекистон телевидениеси студияларига умумий миқдори олти ярим миллион долларга тенг жиҳозлар ўрнатилди. Уларнинг бари Японияниг машҳур «SONI» фирмасиники.

«SONI» рекламага муҳтож эмас. Демак, ўрнатилган жиҳозларнинг сифатли эканлигига гап йўқ. Гап фақат ойнаи жаҳондаги ҳамкасбларимизнинг янада сифатли кўрсатувлар тайёрлашида қолди...

Г. МУРОДАЛИЕВА

«Миллий тикланиш»га

ОБУНА ДАВОМ ЭТЯПТИ

Бу сизнинг янги газетангиз, миллий ҳаёт, миллий тараққиёт, маданий, маърифий, маънавий гўзаллик, сиёсий баркамолликка интилиш газетаси!

ОБУНА НАРХИ

Республика вилоятларида ва Қорақалпоғистонда Якка тартибдаги обуначилар учун:

нашр индекси — 64618
6 ойга — 132 сўм 90 тийин
12 ойга — 265 сўм 80 тийин

Ташкилотлар учун:

нашр индекси — 64619
6 ойга — 159 сўм .
12 ойга — 318 сўм .

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Якка тартибдаги обуначилар учун уйга етказиб берилган ҳолларда:
6 ойга — 104 сўм
12 ойга — 208 сўм
Ташкилотлар учун:
6 ойга — 165 сўм
12 ойга — 318 сўм

«МТ»: воқеалар, хабарлар

ГУЛЛАРГА БУРКАНГАН... МАШАҚҚАТ

— Мен 54 йилдан буён саҳнадаман, — дейди юртимизнинг «Дўстлик» ордени соҳибаси Галия Измайлова. — Яна 54 йил саҳнада қолиш ниятим бор...

«Ҳар бир одамда бир фоиз Микеланжело бор, деб ёзади Андрей Вознесенский. Мен мана шу бир фоиз имкониятимни ишга солаяпман, холос...»

Майя ПЛИСЕЦКАЯ, балерина.

...Ўз касби, тўғрироғи ҳунарига эътиқод қўйган киши андак ҳаяжонланиб, тўлиқиб гапираётган маҳал сўзлар етишмай қолаётгандай туюлаверади. Айтилаётган жумлалар эса фикрни ифодалаб беришга ожизлик қилаётгандай, Пушкин таъбири билан айтганда, жонли тасвирдан рангсиз кўчирма олинаётгандай бўлаверади. Бироқ, бари бир, энг аввало, бундай суҳбатдошингизнинг самимияти сизни мафтун этади, мафтунлик асосида ҳайрат уйғонади, ҳайрат эса инсон қалбини англаб олишда, оддий жумлалар зиммасига юкланган улуғ ҳиссиётларни илғашда энг беназир воситадир.

Галия опа — туғма раққоса. Ўз фикрларини ифодалашга сўзлар ҳам тополмай қолганида, беихтиёр уларни ҳаракат воситасида англатишга уринади.

Галия опа «Аёл» сўзини бош ҳарфда талаффуз қилади. Гўё бутун мулоҳазасини шу сўзда жамлагандай:

— Ахир у Аёл-ку, — дейди сал чўзинқираб.

Ва шу заҳоти опа виқор ила қад ростлайди, қўллар юқорига кўтарилади, ингичка бармоқлар нозик шакллар касб этади, бош андак чап томонга оғади. Нафосат, гўзаллик жамулжам сиймо. Опа баайни Навоий театрининг салқинлиги боис... электр иситгич қўйилган каталакдай хонасидаги пардоз ёнида эмас, саҳнада тургандай. «Ҳай-ҳай» демасангиз, шу дамнинг ўзида оёқ учларида туриб, ўйинга тушиб кетадигандек... Балериналар ҳеч қачон қаримайдилар шекилли...

Опа «виқор» сўзини яхши кўради. Айниқса бу сўзнинг ўрисча шаклини. 1935 йили балет мактабида ўқиганлигини хотирлаётиб, ўзининг илк устози Екатерина Обухова ҳақида сўйлаётганда:

— Обухова жуда мағрур, виқор билан юрадиган аёл эди, — дейди ҳаяжонланиб. — Мана бундай... мана бундай юрарди... Мана бундай қарарди. Кексалигига қарамай корсет тақиб, ўзига оро бериб, мана бундай юриб... бизга таълим бераради. Биласиз, ўрис задогонлари балетга жуда катта эътибор беришган. Устозим ҳам шахсан подшо Александр II ҳомийлик қилиб ташкил этган балет мактабида ўқиб чиққанлиги билан бениҳоя фахрланарди, буни ҳар икки гапининг бирида салобат ила таъкидлаб турарди...

Ўзингизга маълум, бозор иқтисодига ўтиш даврининг қийинчиликлари боис, ижодкорлар, хусусан санъаткорлар ҳақида китоблар бизда озроқ чоп этилаяпти. Шу боис, «МТ»нинг муҳтарам мухлисларига ҳаммамиз жуда яхши танийдиган Галия опа Измайлова таржимаи ҳолининг асосий ўринларини мухтасаргина баён этиб ўтсак, фойдадан ҳоли бўлмас деб ўйлаймиз.

Опа асримизнинг 23-йилида Томск шаҳрида туғилган. Отасидан айрилгач, 31-йили Тошкентга, қариндошлари ҳузурига кўчиб келишган. Ёш Галия холаси Фотима кўмагида рақс тўгаракларига қатнай бошлади. 1935 йили эса вилоят болалар олимпиадасида «Қари наво» рақсини ижро этиб, таниқли балерина Вера Губская назарига тушди ва балет мактабига таклиф этилди. 1941 йили мактабни тугатиб, опера ва балет театрига ишга келди. Шу.

* * *

— Санъат талпиниб турган қалб билангина тирик, — деб ҳикоясини давом эттиради опа. — Мактабда ўқиб юрган кезларим рақс, балет деса ўзимни томдан ташлардим. Шундан бошқа ҳеч нарса қулоғимга кирмасди. Ўзлигимни унутиб, ақлдан озгудай даражада иштиёқ билан машғулотларга берилардим. Рақссиз ҳаёт худди қуёшсиз... ҳавосиз ҳаётдек туюларди...

Галия опа улғайган давр машаққатлари, адолатсизликлари ҳақида ўқиганмиз, эшитганмиз. Аммо опа ҳаяжондан нафаси тиқилиб хотираларга бериларкан, фақат яхши кунларни, фақат яхши воқеаларни эслайди. Эҳтимол, ўтмишни идеаллаштириш ҳаммамизга ҳам хосдир, аммо суҳбат жараёнида опанинг ҳаяжони беихтиёр ўзингизга ҳам юқа бошлаганини туясиз.

— Бу ёқда уруш кетаяпти. Республикада бўлса кўплаб қурилишлар авж олган. Концерт бригадалари ташкил этиб, қурилишларга борардик. Буни Усмон Юсуповнинг шахсан ўзи назорат қилиб турарди. Сафимизда Мукаррама опа бўларди, Тамарахоним бўларди, Қори Ёқубов бўларди... Эҳ, эртакдай эди у кунлар...

Тўйқусдан недир ёдига тушган опа кулиб юборди.

— Агар билсангиз, мен ҳам уруш қатнашчисиман. Уруш тугаши арафасида Самандарова, Давидов, Гарибян, Гринберг, Ҳамдамовлар билан Узоқ Шарққа гастролларга боргандик. Қандайдир заҳарланган сув ичиб, шифохонага тушиб қолдим. Ҳушдан ҳам кетибман. Бир пайт олти ойлик ўғлим Жалолиддиннинг йиғи овозини эшитиб ўзимга келдим. Қарасам, аскарлар боламга бўтқа едиришаяпти экан...

САНЪАТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Опа билан балет ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Албатта, у умуминсоний қадриятга эга санъат. Бироқ у бизнинг заминимизда илдиз отиб кетолдими? Ёдингизда бордир, ёзувчи Х. Султоновнинг бир асарида шундай воқеа бор: 20-йилларнинг охирида бир амалдор фарзандига дабдабалироқ замонавийроқ исм излай-излай, охири «Дизентерия» деб қўяди. Балки шунга ўхшаб, балет ҳам кимларнингдир хоҳишига кўра юртимизга сунъий равишда кўчириб келингандир.

— Асло, — дея кескин эътироз билдиради опа. — Бу мутлақо нотўғри тушунча. Балетнинг илдизи минг йиллик тарихимизга, маданиятимизга бориб тақалади. Қаранг, жуда кўпчилик, ҳатто асримиз бошларида ҳам балетни фақат оёқ учида йўрғалаб юра билиш санъати сифатида қабул этган. Ҳолбуки, у бутун вужуднинг, айниқса, қўлларнинг гўзал ҳаракати, сўзсиз қўшиғи ҳамдир. Айнан шу хусусият эса бизнинг миллий рақс санъатимизга жуда-жуда хос. Демак, балет Ўзбекистонга келиб ғариблашмади, сунъий гул каби тувакда туриб олмади. Аксинча, янада бойиди, камол топди. Мен бу гапларни ҳеч бир мақтанишсиз айтаяпман, тўғри тушунинг... Айтсам ишонмассиз, аммо менинг балетдаги биринчи рақсимни... доирачи билан саҳналаштирганмиз. Кўрдингизми, ўзбек миллий рақс санъати балет ривожига ўзининг ижобий таъсирини кўрсата олди...

Шундай бўлса — яхши.

Албатта, опа «Боғчасарой фавворасси»да Марияни, «Дон Кихот»да Китрини, «Оққуш кўли»да Одеттани, «Мис чавандоз»да Парашани, «Кулаётган одам»да Жозеанани, «Орзу»да Юлдузни, «Дон Жуан»да Хуанитани ва бошқа кўплаб партияларни ижро этиб, ўз тажрибаси ҳосиласида шундай хулосага келгандир.

Опа гапларининг яна бир исботи тариқасида у кишининг машҳур «Шарқ халқлари рақслари» дастурини эслаш ўринли. Ҳатто бизнинг тенгдошларимиз ҳам ойнаи жаҳон орқали Галия опанинг ушбу дастури берилганда катта-кичик ёпирилиб келиб томоша қилганини яхши эслашса керак. Катта авлод-ку, инчунин...

— Миср, Марокко, Алжир, Сурия, Ҳиндистон, Тунис, Ливан, Индонезия, Бирма...да бўлганимда томоша тугаган заҳоти дўкон ё бозорларга эмас, миллий рақс тўгаракларига, баъзан жуда дабдабали ном билан аталадиган Академия мактабларига шошардим. Биласизми, Шарқ бари бир Шарқ-да. Бу мамлакатлар гўё бир-бирига жуда ўхшашдек туюлади. Аммо яқиндан танишсангиз, айниқса, рақс санъатининг ўзига хосликларини, уларнинг миллий унсурларини кузатсангиз, ҳар бир мамлакат санъати ўзга бир олам эканлигига иқрор бўласиз. Шундан кейин менда бутун ўзим бўлган Шарқ мамлакатларидан биттаиккитадан гул, яъни рақс йиғиб, битта гулдаста йиғиш фикри туғилди...

Бу дастурим билан кўп жойларда бўлдим, қизим. Сафарларим мобайнида бир нарсага имон келтирдим — ўзбек халқидай меҳмондўст, санъаткор учун жонини ҳам аямайдиган халқ дунёнинг бошқа бирон бурчагида йўқ. Ана, айтайлик, Оврупода нари борса гулларга кўмиб ташлашади, Америкада дарҳол матбуот конференцияси уюштиришади. Шу билан тамом. Ҳамма ўз ишига шошган, ҳеч кимда бемалол шакаргуфторлик қилишга фурсат йўқ... Юрдимизда-чи? Эҳ-ҳе, ҳали-ҳали эсимда, бирон дала шийпонидами, колхоз клубидами ўтган концертдан сўнг одам дегани ёпирилиб келади: «Опа илтимос, яна уч-тўрт кун бўлинг... Опа, илтимос, бир пиёла чойимиз бор эди... Опа, илтимос, бизнинг ҳовлига ҳам бир кириб ўтинг...» Яна денг, қайси ҳовлига кирманг, қучоқ очиб кутиб олишади. Ҳа, ажойиб даврлар эди...

Ҳа, биз тасаввур қилишимиз мушкул бўлган ажойиб даврлар... Халқ Мукаррама опани кўраман деб, Галия опани кўраман деб юртимизнинг турли бурчакларидан концертга оқиб келган, Шукур Бурҳонни кўраман деб театрга...

Маълумот сал тўлиқроқ бўлсин учун опа таржимаи ҳолидан яна бир-икки ўринни келтириб ўтсак. Г. Измайлова 1961 йили театр ва рассомлик институтини тугаллади, сўнг ўзи «Шаҳризода», «Штраусиана» сингари бир актли балетларга режиссёрлик қилиб, ўзи уларни ижро этди. Муваффақият кутилганидан ҳам кўпроқ бўлди. Етмишинчи йилларда опа ўндан ортиқ спектаклни саҳналаштирди. Ва ниҳоят, опа Халқ артисти, Ўзбекистон халқ артисти унвонларига сазовор бўлди, Давлат мукофоти соҳибаси бўлди...

Опа ҳар куни эрталаб соат саккизда ишга келади...

— Залворли эшикни очиб, ичкарига кирарканман, ҳаяжонланиб кетаман, этларим жимирлайди... Қулоқларим тагида эса таниш оҳанглар. Гоҳ «Боғчасарой фавворасси» мусиқаси, гоҳ «Шаҳризода»ники...

Сўнг балет мактаби машғулотлари, сўнг машқ... машқ... Айни кунларда театрда Янги йил томошалари тайёрланяпти. Уни саҳналаштиришгаям опа бошқош. Тушдан кейин «Лайли ва Мажнун» балети машғулотлари бошланади. Навбатда «Насриддин Бухорода»...

Биз опага томошабин муаммоси ҳақида оғиз очмадик. Аммо умуман, бугунги театр ҳаётида учраб қолаётган муаммолар борасида фикрини билишга қизиқдик.

— Ажойиб опера ва балет мактабимиз бор. Ундан дунёга танилишга лойиқ истеъдодлар етишиб чиқмоқда. Ҳолбуки, ҳақиқий санъаткор бўлиш учун, айниқса, балет соҳасида, тинмай меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат қилиш керак. Ахир, машҳур санъаткорлардан бири бежиз балетни «Гулларга бурканган... машаққат», деб таърифламаган-да. Декорацияларсиз, енгил-елпи концертларга ўрганиб қолган санъаткор узоққа боролмайди...

Шунчалик бандлигига қарамай, опа кундалик матбуотни ўқиб боришгаям вақт топаркан.

— Миллий ўзлигимизни англашимиз, тикланишимиз зарур бўлган ушбу кунларда шундай газетанинг чиқаётгани айни муддао бўлибди, — деди опа суҳбат якунида. — Мен газетанингнинг жамоасига ҳам, барча ўқувчиларингизга ҳам эътиқод мустаҳкамлиги, ўз касб-ҳунарларига садоқат ҳамда... бениҳоя гўзал санъат бўлган опера ва балетни севишларини тилаб қоламан!

Гулчеҳра МУРОДАЛИЕВА

ИБН СИНО РУСЧА ГАПИРГАНМИ?

Эсимда, бола кезимда тўй кечалари янграйдиган қутловлар аксари бир хилда — «Мана, бугун фалон калхознинг номер фалонинчи бригадасида тўй-тантана» деган тарзда бошланар эди. Ора-чора бирорта деҳқон таомилни бузиб: «Бугун қишлоғимизда тўй», деб қўймаса, нутқлар бир қолипда бўларди. Энди билсак, одамлар, хусусан, зиёлинамо кишилар хато гапириб қўйишдан қўрқишар экан. Хато қилмасликнинг чораси эса осон: синалган йўлдан юриш — кимгадир ўхшатиб гапириш. Шу йўсинда айрим тоифадаги одамларда ғалати кўникма ҳосил бўлган: қанчалик русча фикрланса шунчалик тўғри, қанчалик русча қўшиб гапирилса — шунчалик ёқимли.

Ҳозир русча-оврўпоча тушунчани ўзбекчалаштиришда истифода этилаётган сўз ва иборалар шу қадар кўпайиб кетдики, ўзбекона ёзаман, ўзбекона гапираман ва фикрлайман деган одам, чангалзор оралаб гул териш машқини олаётгандек бўлиб қолди.

Кўча-куйда, гап-гаштакларда ажабтовур сўз-жумлалар қулоққа чалинади. Дастлаб қаёқдан топишади бунақа гапларни деб, ҳайрон бўласиз. Манба ойдинлашгач, тушунчанинг ўзбекча ўриндоши — ифода шаклини топиш иштиёқи аланга олади. Шу тахлит хаёлда миллий бўлмаган сўз ва иборалларнинг изоҳли луғати шакллана боради.

Айтилган сўз ўз ўрнида ишлатилсагина жозиба касб этади. Ноўрин айтилган сўз бемаза қовуннинг уруғидек медага тегади.

Болшовойлар замонида русча тушунчанинг миллий муқобилини топиб гапириш удумдан чиқди. Негаки ўзбекона гапириш ва ҳар гал фикрий муқобил танлаш, халқнинг тилини, маданиятини, урф-одатини ва ўзлигини тушуниш эҳтиёжини тақозо қиларди. Табиийки, бу ишга ҳар ким ҳам журъат этавермасди. Шунинг учун, кўпинча бехатар йўл танланар — «асли»га мослаб гапирилар эди. Бу ҳол сўзнинг ўзинигина таржима этиб, унинг замиридаги маънони эсдан чиқаришга сабаб бўлиб келди. Шунинг учун ҳалигача нутқда мазмун уйғунлиги, ранг ва оҳанг жилосига путур етказиш давом этмоқда. Дарҳақиқат, тилдош ва дилдош сўзлар гулшанига «бегона биров» тушиб қолса, маъно оламида не фитна, не ғавғо-тўполон юз бермайди дейсиз. Масалан, қайсидир хўжаликда ишни жонлантириб кетган раҳбар кўпинча бундай таъриф этилади: «Фалончи икки йил раис бўлди-ю, колхозни кўтариб кетди». Ўзбекча мушоҳада қилиб ўрганган инсон, табиийки бошқача хаёлга боради. Хўш, фалончи колхозни қаёққа кўтариб кетди, нариги дунёгами?

Аёнки, «кўтариб кетмоқ» бирикмаси умумлашма отга нисбатан асосан кўчма маънода қўлланади, яъни у нарсани кўтариб кетиш имконсиз ва маъносиз эканини англатади. Ахир халқ «Қолар дунё бу, уни ҳеч банда кўтариб кетолмайди», деб беқорга нақл қилмаган. Ҳалиги гапда назарда тутилган фикр «Фалончи икки йилда хўжаликни оёққа турғизиб кетди» деган тарзда баён этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Аммо русча фикрлаш ва ўша фикрдаги сўзни таржима қилиб гапириш оқибатида, кўзланган маъно нотўғри ифода этилади.

Айрим расмиятбоз маъмурлар: «Хужжатларни кўтарганимизда кўп гаплар ойдинлашди», деб гапирадилар. Адашмасак, тилимиз табиатига кўра, «кўтармоқ» феъли қўлга олиб кўриладиган, ўқиладиган нарсага нисбатан ишлатилмайди. Бинобарин, «Ҳужжат тўла жилдни кўтариб кўздан кечирдим» ёхуд «Китобни кўтариб ўқидим» дейиш хато саналади. Демак, улар кўтариш лозим бўлган даражада оғир эмас, шу боис қўлга олиб кўрдим ёки ўқидим, дейилса кифоя. «Кўтармоқ» сўзи бояги жумлаларда русча «поднять» вазифасини бажаряпти, холос.

Умуман, русча маънодаги «кўтармоқ» (поднять) сўзи ёзма ва оғзаки нутқимизда бот-бот қўлланиб туради. Чунончи, «Кеча мажлисда шу масала кўтарилди», «Бу масалани вазирликкача кўтариб чиқдик», «Мўл ҳосил кўтарилди» каби жумлалар қулоққа ғалати эшитилади. Ҳолбуки, ўша гапларда назарда тутилган фикр «Масала ўртага қўйилди», «Бу гап вазирликка ҳам етказилди», «Мўл ҳосил етиштирилди» тарзида айтилса, табиийроқ чиқади. Гоҳо ойнаи жаҳон бошловчилари ҳам шу алфозда гапириб қоладилар. Энди «Ахборот» дастури эфирга чиқади» дейишади улар. Ваҳоланки, шу фикрни русча «выходить» сўзини таржимада айнан қўлламасдан ҳам, баён этса бўлади. Дейлик, «Энди «Ахборот»ни томоша қилинг» ёки «Энди «Ахборот» кўрсатилади» деб. Таъкидлаш жоизки, «выходить»нинг таржимаси ўзбек тилида энг кўп ишлатиладиган сўзлар сирасига киради. Баъзилар «Телефон қилиб гаплашдим» дейиш ўрнига «Телефонда алоқага чиқдим» дейди. Ёки аксари ҳолларда «Жамоамиз пешқадам бўлиб олди» деган гап «Жамоамиз биринчи ўринга чиқди» қабилида, «Бу гапни бошлиққа бориб айтдик» деган фикр «Бу таклиф билан бошлиққа чиқдик» тарзида баён этилади.

Ўзбекча сўзнинг шираси бошқача. Аммо биз буни кўпда унутамиз. Нима демоқчилигимизни дурустроқ ўйламай: «Бозорга чиқиб келай», деймиз бозорга кетаётиб. Лекин унутамизки, чиқилган жойга қайтиб келинмайди, балки ё қайтиб тушилади, ё қайтиб кирилади. Бозордан келмоқ, аввал у ерга бормоқни тақозо этади. Бинобарин, «Бозорга бориб келай» тарзида сўзлаш ўринлироқ бўлади.

Хизмат юзасидан таниқли бир олимнинг мақоласини ўқидим. «Фалончининг қаламидан чиққан асарлар...» деб ёзибди. Аслида у «Фалончининг қаламига мансуб асарлар...» демоқчи бўлган. Йўқ, адашдиқ, у бор-йўғи «Произведения, которые вышли из его пера» деб ёзишни хаёл қилган. Бироқ мақолани ўзбекча битиш заруратидан ўша гапни сўзма-сўз ўгириб қўя қолган.

Умуман, ўзбекча сўзларнинг бузилиб русча маъно ва оҳанг касб эта боришида олимларнинг «хизмати» беқиёс. Йиллар мобайнида шундай ноҳуш одат шаклландиқи, ким кўпроқ русча-оврўпоча мақомда гапирса ва ёзса, ажнабий атамаларни қўллаб баҳс юритса, унинг фикри илмий деб тушиниладиган бўлиб қолди. Аксинча, муҳим муаммоларни ўзбекона тушунчалар асосида шарҳлаб берадиган одамнинг илмини унча-мунча идора тан олмас эди. Шукрки, истиқлол бўлиб илмга, айниқса ижтимоий фанларга миллий руҳ кирди. Аммо эски тузум асоратларидан батамом қутулганимиз йўқ. Олимларимизнинг ўзаро баҳс-мунозараси ва суҳбатларини кўриб, эшитиб, уларнинг ҳамон тилга ғоят эътиборсиз эканидан ўкинамиз. Уларнинг бири: «Навоийда бу масала жуда жиддий қўйилади», деса, иккинчиси: «Унда ахлоқ ҳам, инсон тақдири ҳам юксак даражага кўтарилади», дея гапга жўр бўлади. Албатта, маърифатли, зиёли одам суҳбатда ҳазрат Алишер Навоий ва ул зотнинг асарлари хусусида фикр юритилаётганини дарҳол фаҳмлаб олади. Лекин оддий касб эгаси-чи? Бу гапларни эшитиб у не хаёлга боради? Ахир, у Навоий вилоятидаги муаммолар ҳақида гап бораётган экан-да, деб ўйламайдими? Аслида, Алишер Навоий асарларида ёхуд ул муҳтарам зотнинг фалон асарида, дея мулоҳаза юритиш ўрнига «Навоийда» (у Наваи) деб кетавериш ўзгача тафаккур таъсирида фикрлашгина эмас, балки миллий онгнинг етишмаслигидан ҳам далолатлидир. Таъкидлаш жоизки, ўзбек кишиси, оддий ошнасига тегишли буюмни ҳам «унинг» деб атамаган, «у кишининг» ёки «фалон акамнинг», «фалон укамнинг» деб эътироф этган. Алишер Навоийдек зотни миллатнинг маънавий тимсоли сифатида ибрат қилиб кўрсатмоқчи бўлган зиёли одамлар, буюк сўз соҳибини «у», «унинг» тарзида «эъзозлаб» турсалар, шубҳасиз, бу ҳурмат зарур мақомга етмагани аён бўлиб қолади.

«Чўлпон бу масалани жуда жиддий қўяди» деган тарзда мулоҳаза юритади гоҳо муаллифларимиз. Ҳолбуки, у шоирнинг бирор бир мажлисда сўзлаган нутқи хусусида эмас, балки шеъри ҳақида фикр юритаётган бўлади... Ахир, «Чўлпон бу гапни куйиб-ўртаниб шеърга солади», дейиш ҳам мумкин-ку! Йўқ, унда илмийлик йўқолади — жумла русчага ўхшамай қолади... Ҳа, илмий гап илмий тусда бўлса дуруст. Лекин аксари бадиий асарлар ҳам ана шу «илмий тил»да ёзилиб қолаётгани ёмон-да!

Яқинда ойнаи жаҳонда бир тарихий-бадиий лавҳа кўрсатилди. Буюк табиб ва донишманд Абу Али ибн Сино зиндонда. Унинг ҳузурига зиндонбон киради. Ул зот зиндонбонга қараб: «Мен ишламоқчиман», дейди ва «ишлаш»и учун зарур нарсаларни келтиришларини сўрайди. Бу гапни эшитиб энсангиз қотади. XI асрнинг буюк алломаси «Ижод ила машғул бўлсам деган эдим» маъносидаги фикрни «Мен ишламоқчиман» (Я хочу работать) тарзида айтса — қизиқ-да! Яхшиямки, зиндонбон: «Белкурак келтиринг, бу зот ишламоқчи», деб қўймайди. Унда ўзбекча гапиришни билмай, тилимизга хос хусусиятлар борасида тадқиқот юритаётганлардан ўпка-гина қилмасак ҳам бўлар экан...

Тилнинг томири — дил. Дилни ўнгламай туриб, тилни рост мақомга келтириб бўлмайди. Дилни аждодлар руҳига мосласак, иншооллоҳ, тилимиз яна ҳосланади...

Муртазо ҚАРШИБОЕВ

Николай БЕРДЯЕВ

МЕН ЖАЖЖИ КОИНОТМАН

Фалсафа олами сирли ва беадоқ коинотга ўхшайди. Унинг ҳам ўз сайёралари, юлдузлари бор. Умри бўйи замин ҳаётига бегоналигини, дунёмизнинг ўткинчи ва мукаммал эмаслигини тилидан қўймаган Николай Бердяевни фақат юлдузларга қиёслаш мумкин. Камолатга ташналик, мангуликни кўмсаш ва ҳурлик иштиёқи ҳаётининг мазмунига айланган бу олижаноб донишманд XX аср фалсафаси тарихида ўзининг муносиб ўрнига эга. Унинг ҳаёт фалсафаси тарих туйғуси билан вобасталиги ва Борлиқ, Абадият сирлари ечимига йўналтирилгани бежиз эмас. Мутолаа қилаётиб, одам табиатининг чигал ва тўлқа-тескари манзаралари ҳақида фикр юритадиган бу беғубор, соддадил донишманднинг башарият тақдирига бефарқ бўлмаган хавотирли, чуқур дардга тўла мушоҳадаларидан сергакланиш, завқланиш ва яна руҳиятда енгиллик туйиш мумкин...

Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган (1941 йилда Парижда ёзилган «Ўзликни Англаш» - хотира-асаридан) парчалар, Бердяевнинг фалсафий дунёси ҳақида маълум бир тасаввур ҳосил қилишингизда қўл келади деб умид қиламан.

ТАРЖИМОН

Ҳаётимнинг маълум бир йилидан мен билимлар оламига, фалсафа оламига қадам босдим ва ҳалигача шу оламда яшаяпман. Бу олам жуда бой, ўткинчи дунёларга ўхшамайди ва унда вақтнинг, мувозанатнинг чегаралари забт этилади.

...Уладиган вақт устидан ғалаба қилиш, ҳамиша ҳаётимнинг асосий мавзуси бўлиб келган.

...Менда транссендент нарсага[1], бу дунёнинг чегарасидан нарига ўтишга қаттиқ интилиш бор десам тўғри бўларди. Бу интилишнинг менинг ҳаётимдаги тескари томони, ушбу эмпирик[2] дунёнинг ҳақиқий ва тугал эмаслигини, тубанлигини англашдир. Шу нарса эса, менда барча таълимотлардан, жамики фалсафий йўналишлардан чуқуррақдир. Мен воқелик ҳақида ўзимча хаёл қилаётганим йўқ, лекин маълум даражада воқеликни хаёлий деб ҳисоблайман. Бу олам менга нафақат бегона, балки чинакам эмасдек, унда ўзимнинг ожизлигимни ва онгимнинг нотўғри йўналувини кўраман.

...«Мен сени севаман, о Мангулик», — дейди Зардўшт[3]. Мен ҳам бутун умр ўзимга шундай дедим. Мангуликдан бошқа ҳеч нарсани севиб бўлмайди ва ўлмайдиган севгидан бўлак ҳеч қанақа севги билан севиб бўлмайди. Агар мангулик бўлмаса, унда ҳеч нарса йўқ. Лаҳза, агар абадиятга қўшилса, агар у вақтдан чиқиб кетишнинг йўли бўлса, агар у Кирхегардт[4] ифодалаганидек, вақтнинг эмас, мангуликнинг атоми бўлса, қадрлидир... Қизиқ, бу дунё менга беадоқ, чексиз туюлмади, аксинча, ўзимда юзага келаётган беполёнлик ва чексизлик олдида чеклангандек туюлди... Бу оламда ҳаёт, чуқур инқирозга юз тутган. Тугал камолотни хаёл қилаётган мумтозчиликни севмаслигим сабаби ҳам шу. Камолот фақат чексизликда эришилади. Чексизликка ва мангуликка интилиш, тугал камолотга эришганликни хаёл қилиш оқибатида тўхтатиб қўйилмаслиги керак. Ҳар қанақа шаклнинг ютуғи нисбийдир, шакл тугалликка даъво қилолмайди. Бу ерда ҳар қандай ўзлаштирув, ўзгача — бор-йўғи, мангуликка ва чексизликка интилишнинг рамзи холос. Фикримнинг маънавий инқилоб булоғи ҳам шундадир.

Менинг, ватаним учун ҳам, бутун дунё учун ҳам даҳшатли бўлган даврда яшашимга тўғри келди. Кўз ўнгимда қанчаданқанча дунёлар вайрон ва янгилари пайдо бўлди. Мен одамлар қисматининг ғаройиб бевафоликлари гувоҳи бўлдим. Мен одамларнинг эврилишларини, мослашувларини ва хиёнатларини кўрдим. Бошимга тушган кўргуликлардан мени Олий Куч асради ва нобуд бўлишга йўл қўймади деган ишонч билан ўтиб келдим.

...Маркс, Нитше, Фрейд, Хайдеггер назариялари, замонавий роман, уруш ва инқилоб даҳшатлари, қадимий ваҳшийликларнинг такрорланиши ва янгича ёлғонларнинг ҳукмронлиги — буларнинг бари одам ҳақидаги ноёб билимларни емиради. Ва барибир, ҳеч қанақа қорахаёлга берилмай, одамнинг иккиёқлама — тубан ва олий мавжудот эканлигини очиб берган Паскал ва Достоевскийлар анчайин ҳақ деб ўйлайман. Одамлардан кўп маротаба кўнглим қолди, мен мунофиқлик, ёлғончилик, аламзадалик, ёвузлик ва хоинликларнинг кўпини кўрдим, кўпинча одамлар билан муносабатларда кўнгилсизликларга учрадим ва ўзим ҳам бунда айбдор эдим. Мен куч ва ҳукмронликка мослашувлар оқибатидаги одамларнинг бу ўзгарувчанликлари, бунақа хоинликларичалик изтиробли нарсани билмайман. Ва шунда ҳам менда одамга бўлган, одам ҳақидаги Худонинг ўйларига бўлган ишонч йўқолмади...

Мен ҳаётимни таълим-тарбия эмас, ҳурлик учун курашиш деб тушунардим. Машғулотларим тартибини ўзимга ўзим белгилардим. Ҳеч вақт ҳеч ким мени фалсафа билан шуғулланишга ундамаган, бу ичимда туғилган эҳтиёж. Ҳеч замонда мен бирорта мактабга мансуб бўлолмаганман. Бутун умр ўқидим, ҳозир ҳам ўқияпман. Бироқ бу ўз муносабатларимни ўзим белгилаган дунёвий билимларга қўшилиш эди.

Табиатан мен атроф-дунёга инкорона муносабатдаги ва қаршиликка мойил одамлар тоифасига мансубман... Болаликдан мен ўзимнинг алоҳида оламимда яшадим, атрофимдаги доимо менга бегона туюлган дунёга қўшилмадим. Менда ўзига хослик, бошқаларга ўхшамаслик кучли эди.

... менинг фалсафам, ҳозирда айтишаётгандек, экзистенсиалча эди, у руҳимнинг курашини ифодалади.

...Руҳ менда қалбдан кучлироқ эди. Эҳтиросли қалб ҳаётида уйғунликнинг бузилиши ва кўпинча заифлик сезиларди. Руҳ соғлом эди, қалб эса — касал. Қалбнинг айнан ширасизлиги касаллик эди. Мен ўзимда ҳеч қанақа фикр айнишини ёки ироданинг иккиланишини пайқамадим, лекин ҳиссиёт бузилишини сездим. Гўё қалб қобиғи ишдан чиққанди. Руҳий куч билан қалб қобиғидаги нисбатан нимжонлик орасида келишмовчилик бор эди. Руҳий эркинликка ҳар доим эриша олардим. Бироқ одамлар билан бўлган ҳаяжонли муносабатлардан азоблироқ мен учун ҳеч нарса йўқ эди.

Мен оламнинг ҳидларининг симфониясига айланиб қолишини истар эдим.

...Шатобрианнинг «Memoires d'outre tombe»[5] сини ўқиганимда, бошқа муносабатларимизда осмон билан ерчалик фарқ бўлишига қарамай, мендаги у билан бўлган битта ўхшашликдан ҳайратландим. Шатобрианда каби, менда ҳам жуда кучли тасаввур гипертрофияси ва бунинг оқибатида ҳар қандай воқеликдан ва мавжуд нарсалардан қониқолмаслик ҳолати бор. Лекин мендаги тасаввур кучи, Шатобриандаги каби бадиий тасвирчилик салоҳияти билан боғлиқ эмас. Шатобрианнинг аёлларга бўлган муносабати, айнан воқеликка тўғри келмайдиган тасаввур кучи туфайли юзага келган. Ҳаётининг мутлақо ютуқ, шуҳрат ва ёрқинликларга бой бўлишига қарамай, Шатобрианга бутун умри давомида маъюслик ҳамроҳ бўлди. Айнан воқеликка тўғри келмайдиган тасаввур кучи туфайли у ҳеч нарсадан қониқмасди. Шатобрианга ўхшаб мен ҳар сонияда ҳаётдан узоқлашаман. Ҳар бир лаҳза менга эскиргандек, қониқтиролмайдигандек туюлади. Яна, Нитше ҳақида мендаги ўхшашлик тилга олинган. Нитшеда мавжуд ҳаётга нисбатан ижирғанувчи нафрат учун шижоат ва жазавага катта эҳтиёж бўлган. Бу менга жуда яқин нарса. Менда шижоатга эҳтиёж бор ва ҳаётда мен ғайрат билан яшадим.

...Бутун жаҳон тарихи менда содир бўлди, мен жажжи коинотман. Шунинг учун менда икки хил тарих туйғуси бор: тарих менга бегона ва ёв, яна мен билан содир бўлган тарих, менинг тарихимдаги тарих.

...Достоевский изтиробни ҳатто онгнинг пайдо бўлишидаги ягона сабаб деб ҳисоблаган. Нитше изтиробни енгадиган беминнат ютуқни қаҳрамонликка йўйди. Одамнинг йўли шу. Англанишнинг аччиқ йўли шу.

Одамнинг негизлари, фақат қисман тушунилиши ва ўзлаштирилиши мумкин. Шахсият сирини, унинг ягоналигини ҳеч ким охиригача билмайди. Одамнинг сири оламдан ҳам сирлироқ. Унинг ўзи бутун бир дунё. Инсон — жажжи коинот ва ўзида ҳамма нарсани сақлайди. Бироқ унинг шахсидаги фақат хусусий ўзига хослик фаоллаштирилгандир. Одам, яна кўп қаватли мавжудот ҳамдир. Мен ҳар доим ўзимдаги ана шу кўпқаватлиликни ҳис қилганман.

Русчадан Бахтиёр АҲМЕДОВ таржимаси

Изоҳлар:

1. Транссендент нарса — идрок этилмайдиган, онгдан ташқаридаги.
2. Эмпирик — ҳиссий идрокдаги тажрибага асосланган.
3. «Мен сени севаман, о Мангулик» — дейди Зардўшт — Нитшенинг «Зардўшт таваллоси»дан келтирилган сатр.
4. Кирхегардт — Керкегор демоқчи.
5. «Memoires d'outre tombe» — фаранг ёзувчиси Франсуа Рене де Шатобриан (1768—1848)нинг «Нариги дунё ёзувлари» асари.

Муҳаммад Содиқ Қошғарий

АДАБ УЛ СОЛИҲИН

Журнал таҳририятидан:

Шарқда, инсонлик шаън-ғурури ислом дини йўриқлари асосида тарбияланган мусулмон оламида одоб-ахлоқ билимларига эга бўлиш — насл-насаб ва жамиятдаги мавқеидан қатъий назар, ҳар бир муслимнинг бурчи ҳисобланади. Қашғарлик Муҳаммад ўзининг «Адаб ул солиҳин» китобини яратар экан, Муҳаммад пайғамбар ва унинг илк саҳобалари наздида мусулмон инсон учун энг хос ва мос бўлган одоб қоидаларини жамлаш ва қатъий тартибда баён қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Албатта, бу қоидаларнинг баъзилари давр нуқтаи назаридан қараганда эскиргандай туюлар, лекин биз аждодларимиз одоб-ахлоқидаги энг ёрқин, энг ўзига хос кўринишлар ҳақида тасаввуримиз тўла бўлиши учун уларни ҳам келтириб ўтишни лозим топдик. Умуман олганда, «Адаб ул солиҳин» асари Шарқ маънавияти хазинасидаги энг ажойиб, дурдона асарлардан ҳисобланади. (Асар матни рус тилига Нил Ликошин томонидан таржима қилинган ва 1895 йил Тошкентда алоҳида нашр қилинган. 1900 йилда эса «Сборник материалов по мусульманству» («Мусулмонликка оид материаллар тўплами») китобига «Кодекс приличий на Востоке» сарлавҳаси остида киритилган).

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!

БИРИНЧИ БОБ

УЙГА ТАШРИФ БУЮРИШ, САЛОМЛАШИШ, ҚЎЛ БЕРИБ КЎРИШИШ ОДОБЛАРИ

1. Бирон-бир уйга ташриф буюриш чоғида қуйидагиларга амал қилмоқ зарур:

а) бирон-бир уйга кириш ниятидаги одам ўз ниятини уй эгасига аввалдан билдириб қўймоғи зарур; бунинг учун ишкни тақиллатмоқ ёки йўталмоқ керак.

б) Тақиллатган овоз ёки йўтал овози эшитилгач, уй ичидан жавоб овози келса, дарҳол салом айтилади ва уйга кириш учун рухсат сўралади.

в) Бу ҳаракат уч бора такрорланганидан сўнг ҳам уй ичидан жавоб ва киришга рухсат бўлмаса, ортиқ ушланиб турмай, дарҳол жўнаб қолган маъқул.

г) Агар уй эгаси эшикни очмай туриб, келган одамнинг ким эканлиги ҳақида сўраса, унга мужмал жавоб қилмасдан, ўзингизни таништириб, тўла ва равшан жавоб қайтармоқ лозим.

2. Кўришув, омонлашувда қуйидаги қоидаларга амал қилинади:

а) Икки мусулмон одам дуч келганларида, ўрталарида аввалдан мавжуд бўлган дўстлик ёки душманлик муносабатларидан қатъий назар, бир-бирлари билан саломлашишга бурчлидирлар, негаки саломлашиш пайғамбар алайҳиссалом томонидан буюрилган ва суннат фарзларидан ҳисобланади...

б) Саломга дарҳол алик олинмоғи ва бу алик салом берган одам эшитадиган овозда айтилмоғи жоиз; акс ҳолда алик айтувчининг бурчи адо қилинмай қолган ҳисобланади...

в) Мартабаси юксак одам — ўзидан пастроқ мартабали одамга, отлиқ — пиёдага, ўтиб бораётган одам — ўтирганга, хўжаси — хизматкорига, бека — канизагига, озчилик одам — кўпчиликка биринчи бўлиб салом бермоғи жоиз.

г) Бегона одам соҳибжамол аёлга салом бермоғи ножоиздир, мабодо соҳибжамол аёлнинг ўзи бегона одамга мурожаат қилиб, салом берганда ҳам, эркак киши унга жавоб айтмоғи ножоиз; лекин аёл киши чиройли бўлмаса, унга салом бериш мумкин, агар шундай аёл салом берса, алик айтмоқ ўринли...

д) Қуйидаги ҳолатдаги одамларга салом бериш ўринли эмас: 1) ҳожатхонадаги одамга; 2) хотини билан ётган одамга; 3) ухлаётганга; 4) ҳаммомга кириб, ҳали покланиб улгурмаган одамга; 5) овқатланаётган одам оғзида овқати бўлса; лекин оғзида овқати бўлмаса, салом бериш мумкин, шундай одам ўзи салом берса, алик айтиш — шарт; 6) номоз ўқиётган хатибга; 7) «азон» ва «иқомат» лаҳзаларида; 10) ибодат қилаётган одамга...

е) Шариат аҳкомларига риоя қилмайдиган, бузуқ, иймонсиз, ёвуз ва эътиқодсиз одамлар билан умуман салом-алик қилмаслик керак, агар шундай одамлар ўзлари салом берганда ҳам мусулмон одам алик айтмаслиги керак...

БЕШИНЧИ БОБ

ХАСТАЛАРНИ БОРИБ КЎРГАНДА, АЗАДОР ХОНАДОНЛАРГА БОРГАНДА АМАЛ ҚИЛИНАДИГАН ОДОБ ҚОИДАЛАРИ

1. Хасталарни бориб кўрганда қуйидагиларга амал қилмоқ жоиз:

а) Кимки бирон-бир танишининг хасталаниб ётганидан хабар топса, албатта бориб ҳол-аҳвол сўрасин.

б) Агар динсиз (кофир) одам хасталаниб қолса, уни ҳам бориб кўрмоқ керак, лекин боришдан мақсад — кофир одамга хушомад қилиш ва у билан дўстлашиш эмас, балки соғайганидан сўнг ислом динига киришни тарғиб қилишдир...

в) Бемор одам ётган хонага кирганда чеҳрангиз очиқ ва нурли бўлсин. Бемор одамни кўришга борганда кийган кийимларингиз янги ҳам, жуда эски ҳам бўлмасин. Бемор ёнига жилмайиб киринг, унинг бош томонига ўтиринг. Беморнинг юзига узоқ вақт тикилиб қолманг, пешонасига ёки қўлига қўл қўйиб, кундузи ва кечаси ўзини қандай ҳис қилишини сўранг. Беморни кўришга ҳар куни боравермаг, бир марта бориб кўргач, икки кунни ўтказиб, учинчи куни яна хабар олинг...

г) Агар унинг ўзи илтимос қилмаса, беморнинг ёнида узоқ вақт ушланиб қолманг; агар ўзи яна бироз ўтиришни илтимос қилса, уни қувноқ, ёқимли гаплар айтиб овутишга ҳаракат қилинг. Умуман олганда, бемор ёнида ўтказган вақтингиз бир сигирдан сут соғиб олинадиган фурсатдан ошмагани маъқул.

д) Бемор ёнидан кетишдан олдин дуо ўқинг, сўнг ўз ҳақингизга ҳам дуо ўқишни бемордан илтимос қилинг, зеро бемор одам ўқиган дуо фаришталар дуоси янглиғ нажот-бахшдир...

е) Бу дунё билан видолашаётган одамга олдидаги қиёмат куни ҳақида эслатинг, гуноҳлари учун тавба айтиш ва васият қилишни маслаҳат беринг, булар бари аҳвол сўраб келган одам учун суннатдир.

2. Бемор одам амал қилиши лозим бўлган одоб қоидалари:

а) Агар бемор инграса, буни Яратганга норозилик сифатида изҳор қилмасин ёки тушкунлигини инграш орқали билдирмасин. Бошни рўмол билан боғлаб қўйилса, оғриқ босилади. (Инграганда Яратганнинг турли исмларини тилга олиб ётиш тавсия қилинади). Аллоҳ ўз бандасини синаш учун дард юборган экан, оғринмай ва норозилик билдирмай бунга сабр-тоқат билан дош бермоқ лозим.

б) Мунтазам, узоқ давом этиб келаётган касаллик даврида ҳам ўзингизга Яратгандан ўлим тиламай, аксинча шукроналик билдириб ётмоқ лозим; агар барча сабр-бардошингиз битиб, Аллоҳ иродасига кўра бандаси ўзига ўлим тилашга мажбур бўлиб қолса, бу илтимосни шу йўсинда изҳор қилмоқ керак: «Ё Аллоҳ, агар мен учун яшаш афзал бўлса, менга соғлиқ ато қилиб, тирик сақла. Агар мен учун яшашдан кўра ўлим афзалроқ бўлса, жонимни ол».

в) Бемор одам гуноҳлари учун истиғфор айтиб, Аллоҳнинг меҳрибонлигига, барча гуноҳларни кечиришига умид боғлаб ётмоғи шарт.

г) Охирги лаҳзаларда ҳам Қуръон тиловат қилиб ётмоқ жоиз, Қуръони Карим оятлари қанча кўп ўқилса, шунча яхши; агар беморнинг бунга куч-қуввати етмаса, унинг ёнида бошқа бировни овоз чиқариб ўқиш учун таъйин қилмоқ керак... Жон бераётган бемор хотинига, фарзандларига ва қариндошларига ўзи учун фарёд чекмасликни, Аллоҳни шарафлаб шукрона айтиб ўтиришни васият қилсин.

д) Бандаликни бажо келтираётган энг сўнгги лаҳзаларда ҳам «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадан расулиллоҳ» калималарини такрорлаш жоизки, то шу калималарни такрорлаётиб, беморнинг лаблари қотиб қолсин.

3. Марҳумнинг оиласида амал қилинаётган одоб қоидалари:

е) Марҳум учун йиғлаб, кўз ёш тўкилаётганда қаттиқ фарёд солиб додлаш ножоиздир; ҳадисларда айтиладики, азадорлар қаттиқ дод солиб йиғлаганларида, марҳумнинг тортажак азоб-изтироблари ортади.

ж) Дафн маросими тугагач, ҳар ким ўз иши билан машғул бўлсин, дафндан сўнг ҳам тарқалмай бирга ўтираверишнинг ножоиздир... Дафндан сўнг қабр бошида ёки бошқа ерда биргалашиб ўтириб Қуръони Каримни тиловат қилиш яхши эмас, марҳумнинг хонадонига таом тайёрлаб келтириш эса мақтовга лойиқ ишдир.

4. Қабрларни зиёрат қилиш чоғида амал қилинадиган одоб қоидалари:

а) Зиёрат мақсадида қабристонга қадам ранжида қилмоқ эркаклар учун ғоят мақбул иш. Ота-оналарингиз қабрини тез-тез зиёрат қилиб туринг, негаки, фарзандлар ота-она ва аждодлар қабрини зиёрат қилиш учун келганларида, фаришталар бундан огоҳ бўлиб, дарҳол ўша қабр бошига етиб келишади. Марҳумларни хотирлаш ва улар ҳақига дуо қилиш учун аёллар ҳам қабристонга боришлари манъ қилинмайди. Шундай одамлар борки, ўзлари айтишларича, улар марҳумнинг жасади қабр ичида қай ҳолатда ётганлигини айтиб бера оладилар. Лекин ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бундай одамлар саъй-ҳаракатларини мақбул топмайдилар ва уларнинг билимларини комил илм деб ҳисобламайдилар, балки зиёратчиларга авлиёлар қабрларини зиёрат қилишни, мадад тилашни ва марҳумлар учун барча дуоларни ўқишни, лекин марҳумнинг жасади қабр ичида қай ҳолатда ётганлигини аниқлашга уринмасликни маслаҳат берадилар.

б) Марҳум мусулмонлар ётган қабристон доим иззат-ҳурматингизда бўлсин, яъни, қабристонга улов минган ҳолда кирманг, қабр устига оёқ босманг; мабодо қабр устига оёқ босиш зарурияти туғиладиган бўлса, пойабзалингизни ечиб, қўлингизга олинг.

в) Қариндош-уруғларингиз ётган қабристон ичига муваққат кулба қуриб, ўша ерда мунтазам яшаш мумкин эмас, бу гуноҳ ҳисобланади.

Дэвид Герберт ЛОУРЕНС,
инглиз адиби ва шоири
(1885 —1930)

ОПЕРА ТУГАГАЧ

Оний туйғу чақмоқларин отиб
Қалбни ёритиб
Тушиб келар зиналардан қизлар, хонимлар,
Фожеалар, ҳасратлардан киприклари нам.
Мен илжаяман.

Бир чўқиб, ўн алангловчи қушчалар каби,
Кўз-кўз қилиб тўкис, жажжи оёқчаларин,
Пилдир-пилдир тўпланарлар қизлар, хонимлар,
Ҳаяжон-ла аланглайди уён-буёнга.

Гўё ҳозир кема келар аллақаёқдан,
Олиб кетар ҳозир ҳамма одамни,
Бўм-бўш бўлиб, ҳувиллаб қолар фоже ороли
Мен илжайиб кузатаман.

Ҳаммаси табиий, бари бинойи,
Ҳаёт ҳам, театру, ҳаяжон, кўз ёш...
Ёқимли машғулот — кузатмоқ, кўрмоқ,

Лекин дуч келсам мен ҳорғин кўзларга,
Озғин одамларнинг хаста, қизарган
кўзларини кўрсам,
Қадоқ босган, бўм-бўш қўлларини кўрсам —
Қайтиб кетгим келар театру томон.

Собит МАДАЛИЕВ

ҚИЗИЛ ЧИРОҚ ЁНГАН ЙЎЛДАН ЎТАМАН

ким билсин
сўнгги дам қай ҳаракатни
такрорлар эканмиз
ҳеч ким билмайди

сочларингни силайман эркам
ҳовучингдан сув ичаман мен
қайрилиб қарайман табассум ила
тин оламан тўхтаб

тин оламан дедим тўхтайман
устимдан қоқаман вақт чангларини
бирдан англаб қоламан
яъни
ҳаёт лаззатларин татимоқ учун
шарт эмас шарт эмас юз йил яшамоқ

қўлларинг эса
куз офтоби янглиғ илиқ мулойим.

«ЗВЕЗДА ВОСТОКА» ЖУРНАЛИ — МЕҲМОНИМИЗ

Кейинги йиллар миллий тафаккуримиз тараққиётига ҳисса қўшиш учун муносиб саъй-ҳаракат қилаётган нашрлар ичида «Звезда Востока» журналининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Журналнинг ўтган тўртбеш йил ичида чоп қилинган китобчаларини варақлаб чиққан одам, мазкур нашр шу йиллар мобайнида мазмунан бойиб, рангбаранглашиб, теранлашиб келаётганига ишонч ҳосил қилади.

Дарҳақиқат, кейинги вақтларда журнал ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгарди, журнал жамоаси навқирон, истеъдодли ва изланувчан ижодий кучлар ҳисобига янгиланди. Шунга кўра, журналнинг тарғиб, таҳлил ва тадқиқ йўналишлари ҳам янгиланиб, белгиланган мақсад ва режалар янада жозибали тус олмоқда: журнал жамоаси ўзбек адабиёти, тафаккури ва маданий жараён янгиликларини, Шарқ маънавияти хазинаси дурдоналарини тарғиб қилиш, ҳаётимизнинг турли соҳаларидаги долзарб муаммоларга эътиборни тортиш, шунингдек, жаҳон адабиёти ва умуминсоний қадриятлар намуналари билан ўқувчиларини таништириш борасида изчил ва ибратли ишлар қилмоқда. Биз ушбу саҳифамизда журналнинг шу йилги 5-6 сонидан танлаб олинган бир неча намуналарини ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик.

Саҳифадаги материалларни Музаффар Аҳмад танлади ва ўзбекчалаштирди.

Толиб САИДБОЕВ

АБАДИЯТ ВАҲИЙЛАРИ*

Ғарбнинг энг илғор олимлари тан олишларича, мусулмон Шарқи ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётда то XVI асргача Европани ортда қолдириб келди. Араблар ҳали XV асрдаям Шарқий Африка соҳилларидаги, Ҳиндистондаги савдо йўлларини назорат қилар, улар назоратидаги ҳудудлар Малаккагача ва Хитой соҳилларигача етиб борган эди. Магеллан Филиппин ороллари ҳам мусулмон тожирларини кўрган. Бу даврда эса Европа чорночор яшаётган қитъа бўлиб, унинг кун кўриши фақат ташқи савдо билангина боғлиқ, яна бунинг устига, қитъа уруш-жанжаллар ўчоғига айланиб қолаёзганди.

Таниқли инглиз шарқшуноси У.М.Уотт арабларнинг фанда ва фалсафада эришган ютуқлари ҳақида, Европада математика ва фалакиёт, тиббиёт, мантиқ ва метафизика илми ривожига кўрсатган таъсирлари ҳақида гапирар экан, шундай хулосага келади: «Европаликлар 1100-йиллар арафасида фан ва фалсафа билан жиддий қизиқа бошлаганларида, бу соҳалар авж тараққиётда эди. Европаликлар бу борада салгина олдга силжишларидан аввал, араблардаги мавжуд билимларни роса ўқиб-ўзлаштиришга мажбур бўлдилар».

Албатта, ислом динининг келиб чиқиши билан боғлиқ иқтисодиёт ва маданиятнинг гуркираб ўсиши — ўз-ўзидан бўлган жараён эмас. Тараққиёт бўм-бўш майдонда, ўз анъаналари ва ўз тарихисиз дунёга келмаслигини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Яна, энг муҳим жиҳати шуки: иқтисодиёт ва маданиятнинг тараққий қилишига асосий сабаб — араблар исломгача бўлган барча даврларда ҳам илмпарвар халқ эди, кўп асрлик маданий тараққиёт тарихига эга эди. Қолаверса, ислом динини қабул қилиб, бепоён араб давлати таркибига кирган халқлар ҳам худди шундай бой маданий тарихга, табиат қонунларини бошқариш тажрибасига эга халқлар эдилар. Маданий тараққиёт юксала боришида маданий ва илмий ахборотларни мунтазам алмашлаб туриш ҳам, шунингдек араб тилининг ягона илмий тил сифатида ўрнатилиши ҳам ҳал қилувчи ўрин тутди, натижада марказлашган улкан мамлакат вужудга келди.

Мусулмон Шарқидаги тараққиёт даври, фан ва маданият тарихи бизда етарли даражада кенг ёритилган. Шунга кўра, бу ҳақда кўп тўхталмасдан, Марказий Осиё халқлари ичидан етишиб чиққан, илмий мероси билан Европада кенг танилган бир қанча алломаларнинг номларини тилга олиб ўтмоқчимиз.

Ҳозирги замонавий тушунчадаги арифметика ва алгебра фанининг асосчиси Муҳаммад Хоразмий (фанда ал-Хоразмий номи билан машҳур, 787—850) ҳисобланади. Унинг ҳозирги арифметикадан қарийб фарқ қилмайдиган қўшув ва айирув ҳақидаги китоби 1150 йилда лотин тилига таржима қилинган, кейинчалик эса қайта-қайта чоп этилган эди. Ал-Хоразмийнинг 1143 йилда лотин тилига таржима қилинган «Ал-жабр алмуқобала» асарини ўз даврида Коперник, Галилей, Кеплер, Паскал, Декарт, Лейбниц, Эйлер, Ломоносовлар ҳам ўқиб-ўрганганлар.

Улуғ фалакшунос, математик олим Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Носир Фарғоний Европада Алфрагани номи билан машҳур бўлиб, унинг асарлари XII аср охирларидан бошлаб мактаб дарсликларидаги рўйхатларга киритилган.

Биз тилга олаётган даврдаги фан ва маданиятнинг энг йирик вакилларидан бири — Ибн Сино (Авиценна, 980—1037) бўлиб, мазкур алломанинг кашфиётлари муаллиф Л. Салдадзенинг йирик илмий асарида чуқур таҳлил қилинган.

Даҳоларимиз — Абу Наср ал-Форобий, Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний номларини тилга олсак, бу табаррук номларнинг ҳар бири мусулмон Шарқида фан ва маданият, ишлаб чиқариш кучлари, тафаккур нақадар юксак даражада бўлганлигига ёрқин далолат бўла олади.

Бу азиз номлар бугунги кунда давлат арбоблари ва публицистлар, ўқитувчилар ва журналистлар тилида қайта-қайта жаранглаб турибди. Бунинг ажабланарли жойи ҳам йўқ. Ўз тарихида ҳал қилувчи лаҳзаларни бошдан кечираётган ҳар қандай миллат ўтмиш тарихининг ёрқин саҳифаларига, аждодларининг ғўзал фаолиятларига тез-тез мурожаат қилиши — табиий ҳол. Зеро, миллат ана шундай мурожаат ва муножотлардан руҳ ва мадад олади, энг долзарб муаммоларни ечишда рағбат топади.

Лекин табаррук номларни мунтазам равишда ёдлаб туришимиз туфайли биз кучли халққа айланиб қола оламизми? Маданий меросда улар тутган ўринни эътироф қилишимиз — улар замонамизга наф келтира бошлашлари учун етарлими? Гап шундаки, биз қуйидаги: «Мазкур даҳоларнинг дунёга келишига қандай ижтимоий шарт-шароитлар сабаб бўлди? Табиат уларга инъом этган истеъдод ва илмий салоҳиятлари қай тарзда юзага чиқди?» — каби саволларга жавоб топа олсаккина, улуғларимизнинг бугунги кун учун қиладиган хизматлари янада ойдинлашади. Албатта, бу саволлар кўп қиррали, шунинг учун ҳам биз бу масаланинг ислом таълимоти билан боғлиқ жиҳатларигагина тўхталамиз, зеро, мусулмон халқларининг жаҳоний саҳнада қайта кўринишлари дин ва диний анъаналарнинг қайта тикланиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашишнинг чуқур сабабларидан яна бири шундаки, ислом динининг Ўрта Осиё ва Озарбойжонга кириб келиши илм каҳкашонида бутун бир даҳо истеъдодлар туркуми яралиши учун шароит туғдирган бўлса, иккинчидан, ўша даврлардаги барча улуғларимиз — бири мунажжим, бири математик, бири ҳаким, бири географ ва маъданшунос бўлганлари ҳолда, улар барча билимларнинг тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшганлар.

Шубҳасиз, турли илмий мактаблар ва ғоялар мавжуд бир даврда, улар ўртасида ўзаро мунозара ва рақобат давом этаётган бир пайтда ҳар бир одамнинг, айниқса, даҳо ақл эгасининг ижодий салоҳияти тўла намоён бўлиши учун муайян шарт-шароитлар талаб қилинади. Худди шундай илмий хилма-хиллик, мунозара ва рақобат, шунга яраша шарт-шароитлар мавжудлиги туфайлигина Ўрта Осиё ҳудуди бундан минг йиллар муқаддам жаҳон маданияти марказларидан бирига айланди. Ўша даврда Ўрта Осиё диний таълимот нуқтаи назардан яккамазҳабли ҳудуд эмас эди (бу ҳудуд XV асрдан кейингина тўла суннийлашди). Бу ерда, айниқса Бухорода, шиа мазҳабидаги мусулмонлар ҳам бор эди. Кўпгина туманларда муътазилийлар (инсон иродаси озоддир, инсон эса бу дунёда танлаш эркинлигига эгадир, деган ақидани олға сурадиган исломий мазҳабга эргашувчилар) XIII аср бошларига қадар фаол ҳаракат қилганлар. Бу ҳудудда мусулмонлар бошқа диндагилар билан тинч-ҳотиржам муносабатда яшаб келдилар. Ҳамма ерда масиҳий черковлар, шаҳарларда эса масиҳий мактаблар мавжуд эди. Яҳудий жамоалари ҳам мавжуд бўлиб, булар ичида энг йириги Самарқандда эди. Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа жойларда зардуштий жамоалари, бутпарастлар ҳам яшаб келмоқда эди.

Ҳа, ўтмишдаги улуғ салафлар, арбоблар ҳақида бугун кўп гапирилаяпти-ю, лекин улар билим хазинасини йиққан, ўз истеъдодларини камолга келтирган шароитлар ҳақида кўпинча индамай ўтилмоқда. Ҳолбуки, бу шарт-шароитларни ўрганиш ҳозирги замон маданияти ва фани олдида турган муаммоларни ҳал қилиш учун ҳам жуда зарур. Айниқса, яккамафкуравийлик исканжасидан энди қутулган ҳозирги даврда бундай зарурият янада ойдинлашади. Энди бундай мафкура ўрнини мазмун-йўналиши бошқача-ю, лекин ўшандай муросасиз, худбин, фақат ўзинигина тўғри ҳисоблаб, ҳурфикрлиликни бўғиб ташловчи иккинчи бир мафкура эгаллламаслиги керак. Ўсиб келаётган ёш авлод ҳам ягона маданият, ягона тил, ягона халқ манфаатлари кўзланган ғоя таъсирига тушиб қолмаслиги керак. Зеро, халқ ўзи билан ўзи ўралашиб қолиб, бошқа халқлардан ўрганишни, ўзаро алоқаларни бас қилса, илмий тараққиётга интилмаса — бу миллий маҳдудликка олиб келади, келажаги туман остида қолади.

Хулоса қилсак, миллий маориф тизими ўқувчилар қобилиятларини тўла очишга кўмаклашадиган шарт-шароитларни шакллантиришга асосий эътиборни қаратиши зарурдир.

*Мақоладан узинди

«КУЙ АВЖИДА УЗИЛМАСИН ТОР...»

Бу заминнинг фарзандлари ҳақида гап кетгудек бўлса, Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан шоир каби машҳур бахшиларни кўз олдимизга келтирамиз. Дарвоқе, қадимий Зарафшон дарёси гувоҳи Пўлкан бобонинг оҳангларини мана шу дарё бўйида яшаётган халқлар чайқалиб-чайқалиб эшитишган. Нуротанинг кўҳна тоғлари шоҳидлик беради. Эргаш бобонинг дуторидан чиққан садоларни тоғлар сукут сақлаб эшитишган.

Тошпўлат Ҳамид мана шу дарё бўйларида ўсиб улғайди. Илк марта қўлига шу ерда қалам олди. Қалбига шеър илҳомини Зарафшоннинг қайтмас тўлқинлари солди, кейинроқ Тошпўлат ака «Зарафшоннинг хушхон булбули» деб ном олди.

Шу дарё шовқинини эшитиб улғайган Ғайбулло ака катта адабиётшунос бўлиб етишди. Ҳурматли олимимиз эндиликда Ғайбулло ас-Салом имзоси билан дилбар шеърлар ёзмоқда. Бўстон наволарини бутун оламга ёйган Ойдин опанинг қалбига шу дарё мавжлари шеър ишқини солмадимикан?

Хассос шоиримиз Душан Файзий шеърларига Зарафшон зарлари илҳом бермадимикан? Таниқли шоир Азим Суюннинг илк машқларига Нурота тоғининг юксаклиги, чашмаларининг тиниқлиги ғурур бўлиб кирмадимикан?

Сулаймон Раҳмон, Ғаффор Ҳотам, Ашурали Жўраевлар шу дарё тўлқинларидан илҳом олдилар. Бугун улар изидан Ҳалима Ахмедова, Вафо, Бектемир, Фарҳодлар боришмоқда.

Вафо Файзулло «Ҳут» номли китобини Тошкентда чоп эттирди. Ҳалима аллақачон шеър мухлислари эътиборига тушди. Бектемир, Фарҳоднинг шеърлари адабий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди. Агар Вафо Тошкентга бормаганида китоб чиқара олармиди? Ҳалиманинг, Фарҳоднинг, Бектемирнинг шеърлари эл оғзига тушармиди? Ёки, Баҳриддин Умрзоқовнинг «Шамсимоҳ» қиссаси танқидчилар томонидан ўз баҳосини топармиди? Табиийки, бу савол вилоятларда яшаётган ижодкорларни ўйлантиради. Тўғри, вилоятдаги ижодкорлар Тошкентдаги ҳамкасбларидан кам ёзаётганлари йўқ. Масалан, таниқли журналист, ёзувчи Ҳамдам Эшонқулов вилоятда яшаб ўнга яқин китоб нашр эттирди. Публицист Салима Умарованинг иккита китоби ўқувчилар қўлига етиб борди. Одил Ҳотамов, Зиёвуддин Қўзиев, Бахтиёр Яхшиевларнинг илк китоблари Тошкент нашриётларида чоп этилди.

Шоир халқи бир умр китоб орзуси билан яшайди. Орзу эса ҳамиша ушалавермайди.

Кейинги пайтда қўшни Самарқанд ва Бухоро вилоятларида нашрчилик ишлари анча ривожланиб кетди. Айни пайтда Самарқанднинг ўзида иккита нашриёт фаолият кўрсата бошлади. Навоийдан ташқари ҳамма вилоят ўз нашриётига эга. Тўғри, нашрчилик қийин иш. Самарқандда ҳам маблағ ошиб-тошиб ётгани йўқ. Лекин шунга қарамай, маҳаллий раҳбарлар муруввати-дан бебаҳра қолмаётган самарқандлик ижодкорларнинг китоблари ўз вақтида ўқувчилар қўлига етиб бормоқда. Албатта китобларнинг бадиий савиясига энг одил баҳони ўқувчи беради. Шу ўринда яна бир фикрни айтмоқни лозим деб биламиз. Вилоятимизда рус ва қозоқ тилларида ижод қиладиган қаламкашлар талайгина. Томдилик шоир С. Жаманқораевнинг Олма-Отага бориб китоб чоп этиши керак. Ёки Наталия Панова Москвада китоб чиқаришни орзу қилиши мумкин. Бироқ, йўл харажатининг ўзигина чиройли орзуларни чиппакка чиқариб қўйяпти. Шундай бўлгач, нашрчилик ишларини ўзимизда йўлга қўйиш зарурати аллақачон етди. Талантли шоир ва журналист Бобоқул Мансуров салкам 40 йилдан бери ижод қилади. Шу пайтгача бу хокисор инсоннинг ижоди билан ҳеч ким жиддий шуғулланмади. Ахийри Бобоқул ака ўз ҳисобидан Қизилтепа туманида пиёзнинг пўстидек китобини чоп эттирди. Тўғриси, Қизилтепадай катта, бой туманда сахий тадбиркор топилмади. Лекин кўнгилга бир нарса таскин беради. Бобоқул ака тузган сўз маржонлари аллақачон ўз ўқувчисини топган.

Вилоятимизнинг бошқа туманларига қараганда Қизилтепа туман босмахонаси савоб ишни бошлаганидан хурсандмиз. Китоб чиқариш ҳам энг эзгу ишлардан ҳисобланади. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг, вилоят матбуот бошқармаси бу тўғрида ўйлаб кўриш керак. Туман ва шаҳар ҳокимлари бу ишга жиддий ёндошсалар, муаммолар юки бир қадар енгиллашарди.

Жуманбулбул, Пўлкан шоир ўтган йўлларда дўмбиралар қўлдан тушмасин деймиз. Улар юрган йўлларда ҳаётга муҳаббат садолари ҳамиша янграб турсин деган умиддамиз.

«Куй авжида узилмасин тор...»

Махмуд МАРДИЕВ

Набижон БОҚИЙ

ТИНЧ ОҚАР ДАРЁ

«Шавкат Раҳмон деган бир ўжар шоир...»

Ўтган йили Шукур ака ҳомийлигида ҳазрат Термизий мозорини зиёрат қилдик. Куктошлик пақдил дўстимиз Неъмат Иброҳим руҳоний мулоҳазалари билан дилларга қувват берди. Росмана дарахтлардай тарвақайлаб кетган анорлар соясида ўтмишдан эшитилаётган «Тирикмиз!» деган садога қулоқ тутиб ўтирдик. Бу садо ўн аср наридан эмас, гўё ўн қадам наридан эшитилаётгандай эди: «Тирикмиз!..» Тириклик садоси қудратли кучга эга бўлиб, одатий тирикчилик ташвишларини кўҳна қалъа харобаларига итқитиб юборарди. Сўнг қирғоққа урилиб қайтган тўлқин мисол мўъжаз муҳитни ё олдига солиб ҳайдаб кетарди ёки орқасидан эргаштирарди, ёхуд қаърига тортарди. Хуллас, тирикликнинг мангу савдоси мангу майдон ҳосил қилган эдики, у майдоннинг оҳанрабосидан (магнит майдонидан) осонликча қутулиб бўлмасди. Қутулишга интилмасдик ҳам... Ҳазрат Термизий мақбараси теварагида, чамаси, аср пайтигача тилсимланиб юрдик. Мақбаранинг кун чиқар тарафидан ўн қадамча нарида Амударё бўтаналаниб оқиб ётарди, сўл соҳили худди сарғимтир адирга туташиб кетгандай туюлар эди. Гуё дарё ҳам, адир ҳам бир жойда тинч турганга ўхшарди. Хуросондан чанг-тўзон кўтариб эсадиган афғон шамоли ҳам ювош тортиб, дарёнинг мўътадил қалқинини ўнг соҳилга елпиб қўярди. Табиат ҳазрат Термизийга шу йўсинда эҳтиром кўрсатарди. Ваҳоланки, ўша кезлари (август ойида) Термиз атрофидаги барча анҳорлардан оқаётган сув баайни ҳаммом қозонида қайнатилган каби иссиқ эди (ҳатто Ангор туманидаги марказий анҳорда чўмилаётиб сувнинг иссиқлигидан терлаб кетдик!).

Қисқаси, Термизий мақбараси ёнида туриб Амударёга қарасангиз у тинч оқаётгандек туюлади. Ҳатто бир жойда тўхтаб қолган кўлмакка ўхшайди.

Соҳилдан шундай кўринади Амударё. Сиртдан шундай кўринади Амударё. Боз устига, ҳазрат Термизий мақбараси ёнида Амударё билан соҳилни чегара ажратиб туради. Яъни, Амударё бетараф майдондан оқиб ўтади. Шиддатини жиловлаб оқади Амударё. Жимжит оқади у.

Умрим кўчкилардай
жим-жит, шиддатли,
бутқул тинмоқ учун бир кун бемалол
фақат яхши бўлмоқ жудаям камдир,
жуда камлик қилар яшамоқ ҳалол.
(Шавкат Раҳмон, «Гуллаётган тош»).

Амударёнинг узунлиги 1415 км. Ҳавзасининг майдони 309000 кв. км. Ўртача сув сарфи 2000 метр куб-сония.

Амударё билан фақат жуғрофия дарслиги воситасида таниш бўлган ўқувчи, албатта, жонсиз рақамлардан бошқа нарсани билмайди. Ҳатто соҳилига яқинлашган пайтида ҳам «тинч оқар экан» деб ўйлайди. Эҳтимол, «яхши» деб баҳолайди. Лекин «яхши» баҳо Амударёнинг қудратини билдирмайди. Умуман, жонсиз рақам дарё тўғрисида ҳеч қандай маълумот бермайди.

Қорақалпоғистоннинг Мангит делараси Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган. Бу ерда дарё Термиздаги каби тўкин эмас, аммо росмана дарёга ўхшайди: «эшилган пўлатдай» мушакларини кўрсатиб оқади. Агар ўнг соҳилга яқинроқ жойда қайиқда сузиб юрсангиз, қўққис қирғоқ ўпирилиб тушадию тўлқин қайиқни ағдариб ташлайди. Ўпирилиш (дагйиш) натижасида пайдо бўлган тўлқин сўл қирғоққа бориб зарб билан урилади, кўтарма сув соҳилга сапчиб чиқади. Дагйиш муттасил рўй бериб туради. Шу боис Хоразм тарафларда дарё ташлаб кетган ўзанда (атовда) бутун-бутун қишлоқлар вужудга келади: Боғот атов, Хонқа атов, Ҳазорасп атов каби. Баъзан Амударё гўё ювош тортиб қоладию ўрталикда қайир (оролча) бўй кўрсатади: ерсевар деҳқонлар қайирда экин-тикин қиладилар ва кузда ҳосилни йиғиштиргани келиб: «Воҳ!» деб қарсак чалиб юборадилар. Чунки ўзи бино қилган оролчани Амударёнинг ўзи ювиб кетган бўлади. Амударёнинг эрмакларидан биттаси шундайлигича «Қизалоқнинг эрмаклари»га ўхшайди.

Узоқ жим туришдан гаров ўйнаймиз,
деб гулдай кафти-ла оғзин ёпарди...
Чидолмай бу қадар жимликка доим
қизалоқ ютқазиб қўярди зумда.
(Шавкат Раҳмон, «Ҳулво»).

Амударё сиртидан тинч оқаётгандек кўринса ҳам, аслида, тизгин нелигин билмайди: қирғоқдан қирғоққа урилиб, эшилиб-тўлғониб оқади, метин рошни ё ялаб-юлқаб йўқотади, ёки гумбурлатиб қулатади. Шундай қилиб, ўз қудратин бот-бот кўрсатади. Сувнинг қудратини сув бўйида яшайдиганлар билади. Азалдан улуғ сувларнинг йўлларига улуғ тўғонлар қурилади (кейинги улуғ тўғонлардан биттаси — Нил дарёсига қурилган Асвон тўғонидир).

Бир дарё,
тепадан бўғилган дарё,
шаштини синдирган метин тўсиқлар,
саноқсиз тошларни оралаб оқар
элнинг тилидаги ўлмас қўшиқдай.
Балки шунданмикин
уйлар зичлашиб
дарёдан сув ичар подалар каби.
(Шавкат Раҳмон, «Гуллаётган тош»).

Дарё бўйида яшайдиганларга ҳавасим келади. Баъзан дарё бўйига кўчиб кетишни истайман. Хоразмга борсам: «Матназар оға, мана шу жойга уй қураман, нима дейсиз?» деб жиддий маслаҳат сўрайман. Дарё бўйида яшаш яхши, чунки одам тушларини ҳар куни улуғ сувларга айтиши мумкин. Тўғри, бачкана тушларни кичик сувларга айтса ҳам бўлади, лекин улуғ тушлар фақат улуғ сувларга сиғади. Акс ҳолда, сув тошқини — табиий офат рўй бериши ҳеч гап эмас. Сув балосидан Ўзи асрамаса, бошқаси асрамайди. Маълумки, Амударёдан ҳар жиҳати билан деярли икки баробар кичик бўлган Хуайхэ дарёсида тез-тез тошқин бўлиб туради ва қўплаб одамларни, ҳайвонларни, уй-жойларни сув оқизиб кетади. Ҳар йили Хуайхэ қирғоқларига метин дамбалар қурилади, эҳтиёт чоралари кўрилади. Аммо, вақти-соати етгач, яна тошқин рўй бераверади.

Нима бўлган уларга ахир,
ё сеҳрлаб қўйганми сувлоқ?
Нега жимлик босган воҳада
беғам ухлар ботирлар узоқ!
(Шавкат Раҳмон, «Юрак қирралари»).

Менимча, ўйқучилар ёки хаёлпарастлар дарё бўйида истиқомат қиладилар. Дарё бўйидаги чимзордами, қумлоқдами осмонга қараб хаёл суриб ётган одам минг чақирим нарида ҳам, ўн йиллардан кейин ҳам ўша сурурли дамларни орзиқиб эслайди, юраги ҳаприқиб эслайди ва бутун умри давомида дарё бўйига кўчиб кетишни ўзича режалаштириб юради. Айниқса, дарё бўйида юмалаб ётиб Эрнест Хемингуэйнинг бирорта китобини ўқиб юм-юм йиғлаган бўлса, китобнинг сўнгги саҳифасини ёпиб, атрофига жавдираб қараган бўлса, осмону фалакдан нажот келишини интиқ кутган бўлса, қуёш уфққа бош қўйганини ҳам, оқшом чўкканини ҳам асло сезмайди. Дунё ўз ҳолича дарёдай чайқалиб оқиб ётаверади.

Тўниб қолар вужудим ногоҳ,
юрак тўхтар тошдайин қотиб:
хайриятки, бу ойдин тунда
юлдузларни бўлмайди отиб.
(Шавкат Раҳмон, «Юрак қирралари»).

Юлдузларни отиб бўлмайди. Аммо, юлдузлар ўзларини отиб қўйиши мумкин. Хемингуэй ўзини отиб ташлайди (Қодирийни Шўро ҳукумати отиб ташлайди). Лейтенант Генри адолатсизликка қарши исён кўтаради — урушдан қочади; ўзини дарёга ташлаб қочади (Отабек адолатсизликка қарши урушга киради; Олмаота устида



чор аскарларига қарши жангда шаҳид бўлади). Кэтрин кўзёриш пайти фожиали ҳалок бўлади (Кумуш ҳам кўзи ёригандан сўнг фожиали ҳалок бўлади).

Хемингуэй «Алвидо, қурол!» романида баён этган (1929 йили) воқеалар, тахминан, 1918 йилда — биринчи жаҳон уруши жанггоҳларида рўй беради. Қодирий «Ўтган кунлар» романида (1922 йили ёзилган) баён этган воқеалар эса 1860 йилда рўй беради. Хемингуэй жисмонан маҳв этилган — «йўқотилган авлод» тарихини ҳаққоний кўрсатса, Қодирий маънан маҳв этилган — озодлиги бой берилган авлод тарихини ҳаққоний кўрсатади. Тўғри, бу маълумотлар эски гап — худди дарё тўғрисидаги жонсиз рақамларга ўхшайди. Бироқ, тагматндан англаниладики, «юлдузларни бўлмайди отиб!». Қолаверса, Шавкат Раҳмон «Хемингуэй» номли шеърини 1979 йили эълон қилганини инобатга олсак борми, яққол намоён бўладики, биз у пайтлари «қулоғинг қани?» деб сўралса мудом бурнимизни кўрсатиб юрардик. Хайриятки, Шавкат Раҳмон деган ўжар шоир бор эканки, унинг шарофати билан, ҳеч бўлмаса, ўнг қўлимиз билан сўл қулоғимизни, сўл қўлимиз билан ўнг қулоғимизни кўрсатишни ўргандик. Яъни, коса тагида ним коса ҳам борлигини англайдиган бўлдик.

Ғира-шира тусмол қилардик: ахир, юлдузларни отиб бўлмайди, деб шивирлаб қўярдик. Лекин, юлдузлар тимсолида айнан нимани назарда тутаётганимизни ҳатто шивирлаб айтишга ҳам қўрқардик. Чунки... ақл-ҳушимиз жойида эди: Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби миллатпарвар зотлар айнан қоғозга тўкилган сўзлар учун қатл қилинганини жуда яхши билардик. Қатли ом йилларини ўз кўзи билан кўрган кишилар ҳазил ҳаром эканин эслатиб туришарди — ёмон кўзлардан асрамоқчи бўлардилар, ёмон сўзлардан асрамоқчи бўлардилар. «Тил югуриги бошга, қўл югуриги ошга», деган мақол урф бўлган эди.

«Қайси сўзлар «ёмон» эди?
Ҳар бир сўз
юз сўзнинг ўрнини босар:
Ватан Халқ Жасорат Кураш Озодлик.
Ҳар бир сўз етади юзта умримга,
ҳар бири бахш этар
руҳимга мадад.
(Шавкат Раҳмон, «Гуллаётган тош»).

Дарё бўйидаги чимзордами, қумлоқдами Хемингуэй китобини ўқиб, дунё кўзига тор кўриниб ётган усмир, албатта, «юлдузларни бўлмайди отиб!» деб ўзига таскин беради ва Шавкат Раҳмон деган ўжар шоир ҳам билар экан-ку, деб ўйлайди.

Орадан йиллар ўтиб, дарё бўйида эмас, Ёзувчилар уюшмасидами, нашриётдами, бир четда қимтиниб турган Шоирга кўзи тушиб, табиийки, ҳайрон бўлади киши. Негаки, Шоир ҳамон «сувлар ила мулоқот» қилиб ўтирганга ўхшайди. У битта қўлини чўнтагига тиқиб, бир қўлини арра-арра қилиб, аллақайси инқилобий шоирга тақлидан бўкириб шеър ўқишни ҳам билмайди. «Москвадан шуни ҳам ўрганиб келмабди-да», деб ажабланади қишлоқи ўсмир.

Бироқ, нега ёлғиз,
нега ҳазинмиз
шу мангу, шу ёруғ, шу содда дунёда?
Қачон келар экан
бу қирғоқларга
қачон келар экан мажруҳ одамзот.
У дайдиб юрибди аллақайларда,
мангуликни бўлиб,
ўраб симларга,
бир ваҳший шиддат-ла бузиб борликни,
беҳуда сиғиниб аллакимларга.
(Шавкат Раҳмон, «Гуллаётган тош»).

Термиздан қарасангиз, ажаб, Амударё тинч оқаётганга, ҳатто бир жойда тўхтаб қолган кўлмакка ўхшайди. Соҳилга яқин борилса-да, дарёнинг нақадар теранлигини, ўжарлигини барибир яққол ҳис қилмайсиз. Ваҳоланки, Термизда Амударё тўлиб-тошиб оқади. Бу дарёнинг қудратини билмоқчи бўлган киши албатта дарёга шунғиб кўриши лозим. Соҳилига бориб қармоқ ташлаб ёки тош отиб ўтирган билан сув қудратини билиб бўлмайди. Сувнинг қудрати ичида бўлади. Сиртида кўринадиган пўртана ҳам, игрим (гирдоб) ҳам сувнинг қудратини юзаки намоён қилади, холос.

Тинч оқаётган дарё фақат қудрат тимсолими? Йўқ. Агар ойдин оқшом дарё соҳилида ўтирсангиз, шубҳасиз, сув тубида қалқиб турган юлдузлару баркашдай сара ой кўринади; сув парилари жамолини кўрсатиб қочса-да ажаб эмас. Лекин, сув париларининг жамолидан умидвор бўлган киши Шавкат Раҳмондай сокин бўлиши керак; қудрати ҳам, инжа гўзаллиги ҳам қаърида, қалбида яширин бўлиши даркор. Зеро, асл қудрат ҳадеб мушакларини кўрсатиб, ўтган-кетганга кучини кўз-кўзламайди; асл гўзаллик эса ҳеч қачон ўзини бозорга солмайди, балки етти қават сув остида (ё ҳижоб остида) жамолини бир кўрсатади-ю, ғойиб бўлади — кўрган кўриб қолади, кўрмаганлар армонда қолади.

Умрим узайгани муборак бўлсин,
оқари рост бўлсин тўкин дарёдай.
(Шавкат Раҳмон, «Гуллаётган тош»).

Иншооллоҳ, айтганингиз келсин, Шавкат ака! Иншооллоҳ, қутлуғ тилакларимизни Ўзи эшитган бўлсин ва дардингизга Ўзи шифо берсин, Шавкат ака!

РОСТЛИК ЙИЛИДИР БУ

I

Гарчи қил тебранса чекмам тор ажаб,
Минг ҳамду санода: «минг шукур!» дейман,
Зап жўшқин айёмга етказдинг, ё раб,
Тенгсиз қудратингга бошим эгаман.
Буюк инъомингга — яшаш ҳақимга
Шукроналар айтмоқ қиёматлик қарз!
Муяссар этдинг ҳур яшнаш бахтимга,
Ҳурликни эъзозлаш фарз айндир, фарз!
Азиз юртбошимиз даъватига хос,
Элни деб ёнмоқлик, жўшмоқлик даркор!
Мардона ўкирган шердек ҳар нафас —
Ҳаромлар уясин бузмоқлик даркор.
Мустақил янграган туроний овоз
Дунёни тутмоқда, ғурурлан, бўтам.
Олтмиш миллион қўлда олтмиш миллион соз, —
Ва кўзларда чақнар ёғдули илҳом
Тунов кун тўрт ёшлик масъум беш ёшга
Отланган он ҳақи, байрам бу оқшом!
Куйлаб, тонгда салом беринг қуёшга,
Элдан-элга оқсин ёлқинли калом!

II

Менинг ҳам ёшимга қўшилди бир ёш,
Улғаймоқда ёруғ куним, насибам.
Толеъим баланддир, фахрим беқиёс,
Сиғмасман ўзимга, жаҳонман бу дам!
Дўстларим! Сизлар ҳам мендек хуш, албат,
Қўшилган қутлуғвор ёшнинг хурмати!
Устивордир ният, мақсад, руҳият,
Жиддийдир довонга ўрлаш суръати!
О, шиддатли одим қўйди янги йил!
Бузар тўсиқларни, йўл бўлар равон!
Янгичадир ҳар бир хаёл, ўйимиз,
Фикримиз, зеҳнимиз, фаросатимиз.
Сўнмасдир иймону эътиқодимиз,
Кўксимизда ёниб сузар куйимиз.
Ростлик йилидир бу, ростликни куйланг,
Ёлғондан, алдовдан айлангиз ҳазар
Хиёнат, жиноятни тарк айланг.
Ҳалоллигу инсоф Ватанни безар!
Адолат-ла сўйланг ҳар пок одамга,
Вужуд, вужудидан яйрайди Турон!
Оташланиб босилган ёниқ қадамга
Қодирий гул сочгил, лол боқсин жаҳон.

Рўзи ҚОДИРИЙ

Азиз ва қадрли юртдошларим! Биз хайрлашаётган 1995 йил ҳаммамиз учун, жумладан мен учун ҳам жуда унумли ва қувончли бўлди. Мустақиллигимизга тўрт йил тўлиши муносабати билан ҳурматли юртбошимиз Ислом Каримовнинг фармони билан мукофотланганлар қаторида камина — Рўзи Қодирий ҳам «Шуҳрат» медалини олишга муяссар бўлдим.

Айни чоғда 70 ёшга тўлишим ҳам нишонланиб, газета-журналларда обдан ёритилди. Ижодимдан, янги асарларимдан намуналар босилди. Радио ва телевидениеда ҳам эътибор кўрсатилди. Менинг яна ҳам Ватанга, ҳурриятга фидойилик билан йўғрилган шеърият яратишимга интилиш рағбатларини дилим тубига қуйдилар. Бунинг боисида юртбошимиз олиб бораётган сиёсатнинг халқчиллигини пайқамоқдаман. Шунинг учун барча юртдошларимга, айниқса ўзбек халқига, унинг менга қанот ёзишда қувват бағишлаган, ўзларидек етилишимга ақлу идрок қўрларини қўшган устозларим, дўстларимга юракдан айтилган раҳматларимни изҳор этаман. Оила, умр ишларига, кашфиётларига узлуксиз ривож тилайман.

ДЎСТИМИЗ ЁДИ

Ўлимнинг муқаррарлигини биламиз. Бироқ ҳар доим унинг бешафқатлиги олдида қақшаб қолаверамиз. У бу гал ҳам кутилмаганда орамиздан азиз дўстимиз Ҳасан Тўрабековни юлиб олиб, бизни қақшатиб кетди.

Ҳасан Тўрабеков ўзбек адабиёти, бинобарин, ўзбек маданиятига салмоқли ҳисса қўшган таржимон адиб эди. Ўзбек китобхонлари жаҳон адабиётининг «Қизил ва қора», «Парма ибодатхонаси» сингари дурдоналари билан Ҳасан Тўрабеков таржимаси орқали ошно бўлган. У шунингдек, ўнлаб кинофилмларни ўзбек тилига ўгирган эди.

Ҳасан Тўрабеков 1938 йилда Тошкентда туғилган эди. У ўрта мактабни, кейинчалик Тошкент Давлат университетини тугатгач, умрининг охирига қадар битта даргоҳ — Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида хизмат қилди. Фаолиятини оддий ходимликдан бошлаб, ижодий ва хизмат пиллапояларидан секин-аста кўтарила борган Ҳасан Тўрабеков кейинчалик нашриёт бош муҳаррири лавозимига лойиқ кўрилган эди.

Нашриётда ишлаш, хусусан бош муҳаррир бўлиб ишлаш осон эмас. Ҳар куни ўнлаб муаллиф билан муомала қилишга, ўнлаб муаммони ҳал этишга тўғри келади. Ҳасан Тўрабеков ширин суҳанлиги, муросаи мадора билан иш кўриши туфайли бу вазифани ҳам уддалаган, бирон-бир муаллифнинг кўнглини қолдирмаган, нашриётдан норози қилиб юбормаган эди.

Моҳир таржимон, меҳнаткаш, тиниб-тинчимас инсон, содиқ дўст сифатида танилган Ҳасан Тўрабеков ёди қалбимизда доимо яшайди.

Бир гуруҳ ўртоқлари

ДУШМАН ЭМАС ЭДИЛАР

(ПЎЛАТЖОН ДОМЛАНИНГ МУҲИЙ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРИ)

Атоқли ижодкорларнинг ҳаёти, уларнинг ўзаро муносабатларига қизиқиш ҳамиша ҳам катта бўлган. Ёзувчиларнинг ўзаро муносабатлари муайян адабий оқим, фалсафий йўналиш, дунёқараш кўринишларини акс эттиради.

Бизнинг асримизда яратилган энг йирик тазкира — «Тазкираи Қайюмий»ни ўрганар эканмиз, унда ўзбек адабиётининг икки вакили — Муқимий ва Муҳий муносабатларига бағишланган маълумот эътиборимизни тортди. Ушбу маълумот мавжуд ҳаётий воқеалар ва кузатишларга асосланганлиги жиҳатидан эътиборга моликдир.

Дастлаб мазкур тазкира муаллифи ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, ўлкашунос ва адабиётшунос олим Пўлатжон Қайюмий 1885 йилда Қўқоннинг Ҳайдарбек маҳалласида зиёли оиласида дунёга келди. Аввал рус-тузем мактабида, сўнгра Қўқон мадрасаларида таҳсил олди.

Пўлатжон Қайюмий замонасининг энг илғор кишиларидан бири сифатида камол топди. Маълумки, 1910-1917 йиллар Қўқон маънавий ҳаётида катта бир кўтарилиш палласи бўлди — ўлкада маърифатпарварлик ҳаракати кучайди. Бу йилларда маориф соҳасида шундай маърифатпарварлар етишиб чиқдики, улар ёшларни илм-маърифатга даъват этиш, халқнинг маданий савиясини ошириш йўлида фидойилик кўрсатдилар, замонавий билимлар беришга асосланган усули жадид мактабларини ташкил этиб, уларга ёшларни жалб қилдилар.

Пўлатжон Қайюмий Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Иброҳим Даврон, Сулаймонқули Рожий, Ашурали Зоҳирий, Муҳаммаджон Холиқий, Абдулвоҳоб Ободий сингари машҳур маърифатпарварлар билан бир сафда турди. Дастлаб Ҳамза ташкил этган мактабда ўқитувчилик қилди, кейинчалик эса ўзи хусусий мактаб очди.

Қайюмий маориф соҳасида хизмат қилиш билан бирга, тарихчи ва адабиётшунос олим, таржимон сифатида ҳам фаолият кўрсатди. У ижодий ва илмий изланишлари натижасида «Қўқон тарихи ва адабиёти», «Тазкираи Қайюмий» асарларини яратди, Фурқатнинг қўлёзма девонини тузди, Пирмаст Афзалийнинг «Тазкираи Афзалий», Қори Раҳматулло Возеҳнинг «Туҳфатул аҳбоб фи тазкиратул асҳоб» тазкираларини ўзбек тилига таржима қилди. Бу асарларнинг бир қисми унинг ўғли, академик Азиз Қаюмовнинг шахсий кутубхонасида, бир қисми эса Ўзбекистон фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Пўлатжон Қайюмий ўзидан жуда катта маънавий мерос қолдирди. Бу меросни ташкил этувчи асарлар ўзбек халқининг ўтмиш тарихи ва адабиётини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда яна «Тазкираи Қайюмий»га қайтиб, унда Муҳий тўғрисида берилган маълумотга диққатни жалб этмоқчимиз. Қуйида уни тўлиқ келтирамиз:

«Муҳий — Бу киши Хўқанд шоирларидан саналарди ва шунда наъшу намо этмишдур. Номи ҳожи Муҳиддин бўлуб, афғонистонли, Қандаҳор шаҳаридан бўлмиш Муҳаммад Ризо охунд номли кишининг ўғлидур.

Ҳожи эса Ҳирот шаҳарида туғилмиш. Бошланғич таҳсилни унда кўрмиш. Бухорода илми арабийдан хабардор бўлмиш. Бошлаб Фарғонага Бухородан келиб, Андижон шаҳарида тўхтаб, унда феодализм даври ҳокими бўлмиш Насриддинбекнинг саройида бўлмишдур. Бул вақтда ҳожи 26 ёшинда бўлмишдур. Икки йилдан сўнгра адойи ҳаж этиш учун Ҳижозга сафар этадур. Шул йилда қайтиб Фарғонага келганда 1876 йили Насриддинбек қочиб Маҳрам номли қалъада турган вақти эди. Шунда кўрушадики, буни ўз девонида назм билан айтади. Насриддинбекка бир қасида ёзиб, қўзғолон кўтарган Пўлодхон номли шахсга қарши туришни тавсия этади. Ниҳоят хонлиқ тугатилади. Ҳожи Хўқанд шаҳарида мадрасаи Соҳибзода ҳазратда истиқомат этиб қолади. Гоҳ Андижонда бўлуб, 1911 йилда шунда вафот этадур.

Фақир Муҳийни кўрган кишидурмен. Суюкли шоиримиз Муқимий билан оралари бир оз совуқроқлиги маълумдир. Лекин Собиржон театрусида кўрсатган сингари душмани жон ва мол, обрў даражасида эмас эди (Бу ерда гап Собир Абдулланинг «Муқимий» асари хусусида бормоқда — С. С.). Келишмовчилик шундадурки, Муқимий базм, тараннум, завқ, сафога мойил табиатдаги кишидур. Муҳий эса бунинг бутун аксида бўлган характерга эгадур. Бир мадрасада яшадилар, бир даврнинг кўзга кўринган шоирларидур. Ҳар иккилари ҳам фақирдурлар. Бир маҳаллада, бир кўчада кўришадурлар. Муқимий ҳам, Муҳий ҳам ҳаёти Хўқандда кечди. Уларнинг бирортаси имом, ё муаззин, ё мутавалли, ё мударрис бўлуб бирор жойда ишлаганлари маълум эмасдур. Ҳар иккиси ҳам Бухорода таҳсил кўрмушлар. Олим, фозил, танилган шоирдурлар. Фақирликда Муҳий Муқимийга нисбатан жуда фақир эди. Ҳовли жойи, рўзғор, хотин, бола ва қариндоши бутун бўлмагандур. Мол, пул тўғрисида сўзлашга ҳожат йўқ. Ул ўзининг «йўқ менда» радифли ғазалида ҳасби ҳолини жуда тўғри баён этадур.

Муҳий қирра бурунли, заҳир рангли, қувватсиз ҳолда, ўрта бўйли, бошида салла ва устида кўк эски мовут, атрофи сариқ рангли, жиякли чакман кийган; ичида оқ сурфдан узун этиб тикилган тугунли кўйлак ва белбоқ ила; бир қўлини орқасига ташлаб, чакманни этагидан кўтариб, кўчанинг чеккасидан секин, оҳиста бораётган; хомуш, лекин асабий қиёфада ялғуз бораётгани кўзумга кўрунуб турадур. Мана Муҳий шул кишидур. Чўққи соқоли озода, қўйин чўнтагида бир-икки рўмолчаси бор эди.

Навоийга қаршу Биноийнинг салбий ролда кўрсатган сингари, Муқимийга қарши Муҳийни қўйилса ҳам ортиқчалиқ зиёда бўлуб, бу эса тарихни бўяшдур. Икки шоир бир-бирларига душманлик назари ила қараб юрадурган даражада нафратомуз ҳолда яшаганлари театруда кўрсатиладурки, бу тўғри эмасдур. Театруда Муқимий ҳаётини гавдалантириб кўрсатишга ташаббус этганлари учун Собиржондан хурсанд ва миннатдор эсак-да, ҳақиқатга хилоф бўлган томонига кўз юмиб ўтуб бўлмайди. Муносабатда бунчалиқ этиб муболаға этиш келажакни алдаш, тарихни сохталаштиришдур. (Театруда бу нотўғрилик Завқий тўғрисида ҳам кўрунадур). Собиржондан кўра биз Муҳийни яхшироқ таниганимиздан ҳақиқатга виждон ила қарадик.

Муҳийнинг характерида Муқимийга мос тушмайдурган бир неча ёмон қилиқлар мавжуд эди. Жумладан, ашулага қаршулиқ этар эди. Ўзини олий тутар эди. Тўғри сўз эди. Мулозимат қилмас эди. Фақир бўлгани ҳолда Шайх Сулаймон номли афғонли бир бойни меҳмонхонасинда ҳам Мир Оқил ва Мир Обид номли ака-ука бойларни, Аҳмаджон номли бир афғон бойини меҳмонхонасинда кўпроқ бўлар эди. Чунки булар Муҳийга мухлис бўлуб, шулар қараб турсалар ҳам, буларга ҳам чақирганларида бўлар эди. Фозил, олим, мулойим сўз ва хуш суҳбат одам эди. Замондош бўлмиш Хўқанднинг Фозил Юнусхон ҳазрат номли шайхнинг меҳмонхонасига Муҳий икки дона сабзи ила бир дона фиёзни пешинда олиб борадурда, саломдан сўнгра ҳазратга тақдим этиб:

— Ҳазрат, агар каромат этиб мана шул сабзавотни бир соатда паловга айлантириб чиқинг-чи, — дейди.

Ҳазрат ҳам кулуб олиб кириб кетадур. Абдуллажон ҳожи Ҳасанбоев деган киши шундай дейдики, бечора ҳожи Муҳий ўзи хоҳлаган вақтда асрдан кейин секин кириб келадур. Нима бор бўлса, тановул этадур. Яхши суҳбатлашадурмиз. Эрта билан нонушта этадур. Яна қайтиб кетадур эди. Бутун кун юрадур. Андижонда кўп бўлар эди. Бир шеърида ул адабиётга бўлган завқининг тубандагича баён этадур:

Аз ҳаловат бахшийи абъёт ширин дар жаҳон,
Роҳате дорам мани Муҳийки, дар Парвез нест.

Ўзига биноси жуда улуғ бўлуб, бошқа шоирлардан олдинда эканининг тубандаги шеърида афсус ила айтадур («устина» радифли ғазалида):

Ҳайфким, ўтган экан
арбоби бозори ҳунар,
Толеъим кўрким, тушубман базми вайрон устина.

Аҳли фазлларнинг қадрига яраша ҳурмати бўлмаганидан олдинги даврга ҳам етиб келалмай шундай бир даврда қолганидан шикоят этадур, базми вайронда қолганидан афсусланадур.

Андижонда Насриддинбек саройида исфарали шоир Мир Ҳудоёр ҳайдалиб ўрнига шеър, адабиётда шаҳзодага раҳбарлик этиш учун турган эди. Ундан сўнгра бирор жойда бирор хизмат ила тургани йўқдур. Мавлоно Муқимий бир шеърида

Мулки Марву Ҳинддин келсам топардим эътибор,
Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман

—деган эди.

Бунга қаршу шеърида («баҳс» радифли ғазалида) тубандагича асабийлиқ ила мутакаббирона тарзда қўпол мақтаниб жавоб берадур.

Манга гарданкашлик айлаб муддаи лоф урмасун,
Этмасун беҳуда айлаб
тиғи буррон ила баҳс.
Муҳийга ҳақ айламиш
таслим иқлими суҳан,
Бок эмас ул айласа Салмону Ҳоқон ила баҳс.

Муқимий ила Муҳий ўртасинда бўлмиш салбий алоқага ҳадеб гупуртириб кўрсатилаётган аллақандай ролларда кўрсатилаётган тарихда кўрулмаган ёлғон мутаваллилиқ вазифасига Муҳийни қўюш унда кўрсатилган салбий роллар, иғвогар деб Муқимийга душманлиқ Муҳийнинг ҳаётида бўлмаган ишлардур. Тўғриси, туҳматдур.

Мадрасаи Ҳазратнинг доимий мутаваллиси Тош удайчи маҳаллали Муҳаммад хожа аълам бўлуб, ҳазратларни ўзлари ҳам уни тушура олганлари йўқ экани ҳаммага маълумдур. Ролда кўрсатилган даражада ҳаракатда Муҳийнинг характерига бутун бегоналиқдур. Мадори ифтихоримиз бўлган суюкли шоиримиз Муқимийга Муҳийнинг ролда кўрсатилган даражада душман деб танитишга виждонимиз йўл қўймаётир. Модомики, қўлимизда қалам бўлиб, келажак авлодга тарихий воқеаларни ёзиб қолдираётир эканмиз, ҳақиқатни ёзишимиз керакдур. Бир жойда бир замонда яшаган икки шоир икки характерга эга эдилар».

Муҳий ҳақида уни яхши билган Қайюмийнинг ўз тазкирасида берган мазкур маълумотлари Муҳийнинг адабиётда тутган ўрнини белгилашга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Сайёра САМАНДАРОВА,
Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат дорилфунунининг ўқитувчиси

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»

Муассис: Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган

Буюртма: Г — 0586

3000 нусхада босилди

Сотувда нархи эркин

Ҳажми 2 босма табоқ

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32. Телефон 33-50-18.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи муҳаррир — Ҳусниддин ҚУТБИДДИНОВ

1 2 3 4 5 6

ЭГИЗАКЛАР